

БОШ МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИ



ДАВЛАТ РАҲБАРИ МАУЛЕН АШИМБАЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Маулен Ашимбаев Сенатнинг фаолияти ва истиқболдаги режалари ҳақида ахборот берди.

– Учинчи сессия бошлангандан буён Парламент Давлат раҳбарининг Мақтубида белгиланган вазифалар ва топшириқлар, уй-жой сиёсати, таълим ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунлар, таълим соҳасидаги жамғарма тизими, биржа савдоси ва тадбиркорлик, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмига қарши 28та қонун қабул қилинди. Ҳозирда Парламентда ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қурилиш саноати, ўрмон ҳўжалиги ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни қўллаб-қувватлашга оид қонун лойиҳалари кўриломоқда. Бу – сенаторлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган ҳужжатлар. Сенат кўмиталари томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва улар қўллаб-қувватлаш масалалар ечимига хизмат қилганини таъкидлаш лозим. Мисол учун, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг суғурта бозори самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлари мазкур соҳани такомиллаштиришга оид муҳим қарорларда ўз ифодасини топди, – деди у.

Унинг сўзларига қўра, йил бошидан буён Сенатда 50 га яқин тадбир ўтказилган, сенаторлар томонидан Ҳукуматга 67та депутатлик сўрови йўлланган. Шунингдек, парламентлароо ҳамкорликни кенгайтириш доирасида 40дан ортиқ ҳалқаро учрашувлар ташкил этилди.

Келгуси йилда юқори Палата Бюджет, Қурилиш, Сув, Солиқ кодекслари, “Туркистон шахрининг алоҳида мақоми тўғрисида”ги ва “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қайта кўриб чиқилишини маълум қилди. Шунингдек, “Ишчи касблари йили”га бағишланган Парламент соатлари ўтказилиши режаланган. Қозоғистоннинг барқарор тараққиёти соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш юзасидан Парламент комиссияси фаолияти ҳақида маълумот берди. Бу комиссия Давлат раҳбари фармойиши билан ташкил этилган.

Маулен Ашимбаев Президент томонидан минтақаларни янада ривожлантириш юзасидан белгиланган вазифалар Палата фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

М. Ашимбаев Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VIII съезидига тайёргарлик жараёни ҳақида ахборот берди.

Ушбу анжуман 2025 йил сентябрда Астана шаҳрида ўтди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 26 декабрь, пайшанба, №153-154 (3499-3500).



Туркистонда – Президент арчаси

Вилоятимиз пойтахтида Қозоғистон Республикаси Президенти номидан болалар учун Янги йил байрами тадбири уюштирилди. Арчанинг чироқлари ёқилган, минтақа раҳбар болаларни байрам билан табриклади.

“Бугун биз сизлар билан Янги йил байрами арафасида ўзига хос қувонч ва бахтни баҳам кўрмоқдамиз. Президент арчаси сиз учун мўъжизалар ва эртаклар оламининг эшикларини очадиган байрамдир. Янги йил орзуларни илҳомлантирадиган, келажакка ишонч бағишловчи байрамдир. Сиз эса бизнинг келажакимиз ва юрт фахрисиз. Туркистон вилоятида болаларнинг сифатли таълим-тарбия олиши, қобилиятини ривожлантириш учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиломоқда. 2024 йилда Давлат раҳбарининг топшириғига биноан вилоятда 29та замонавий мактаб қурилиши бошланиб, келгуси йили фойдаланишга топширилади.

(Давоми 2-бетда) ►

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИ: ИСЛОХОТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ АЛМАСАДАМ САТҚАЛИЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Президентга вазирлик томонидан амалга оширилган ишлар натижалари ва мамлакатда ёқилги-энергетика мажмуасини ривожлантириш режаси, шунингдек, нефть-газ ва энергетика соҳаларида йirik лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида ахборот берилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаевга, шунингдек, иситиш маъмуининг бориши, иссиқлик ва электр энергияси таъминотидаги йirik иншоотларнинг фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Давлат раҳбари энергетика инфратузилмасини замонавийлаштириш, соҳани ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Президент Қозоғистонда атом электр станцияси қурилишини жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ЭЛГА ҲАШАР ЯРАШАР

«ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН» АКЦИЯСИ 5,83 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ОДАМНИ БИРЛАШТИРДИ

Давлат раҳбари ташаббуси билан апрель ойида бошланган «Тоza Қозоғистон» республика экологик акцияси мамлакатнинг барча минтақаларини қамраб олди.

Жорий йилнинг март-ноябрь ойларига мажмур акция 5 миллион 830 мингдан ортиқ кишини бирлаштирди. Тадбирлар доирасида ҳудудлар тозаланиб, 1 миллион 609 минг тупдан зиёд даррахт кўчатлари ўтказилди. Давлат тузилмалари даражасида ҳам, жамоатчилик, жумладан, кўнгилчилар ва хусусий ташкилотлар ўртасида ҳам фаол иш олиб борилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида 90 мингдан ортиқ кўнгилли иштирок этди.

“Тоza Қозоғистон” акцияси доирасида ноқонуний чиқиндиҳоналарни аниқлаш бўйича рейдлар ўтказилди.

“Тоza ҳаво” рейдлари давомида 482та автомашини текширилиб, экологик меъёрлар бузилиши юзасидан 105та ҳолат

аниқланди. 96 нафар ҳайдовчиға нисбатан жарима ва огоҳлантириш тарзидаги маъмурий чоралар қўлланилди.

Фуқароларга экологик муаммолар ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал этишда иштирок этиш имкониятини берувчи @TazaQazBot рақамли платформаси яратилгани лойиҳанинг алоҳида ютуғи бўлди.

Эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли истиқболда экологик маданиятни шакллантириш мақсадида “2024–2029 йилларда аҳолининг

экологик маданиятини ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди. Ушбу ҳужжат экологик сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилайди. Концепциянинг устувор йўналишларидан бири ёшларни экологик лойиҳаларга жалб этиш.

Концепцияда фуқароларнинг фаол иштирок этиши учун шартшароитлар яратиш ҳам асосий йўналиш ҳисобланади. Ўз самарадорлигини исботлаган @TazaQazBot каби рақамли платформаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиломоқда.

Келгуси йилда ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кенг қўламли республика акцияларини ўтказиш режалаштирилган.

Primeminister.kz.



ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Ўрдабоши туманида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари тоифасидаги фуқаролар учун уй-жой қурилиши ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Қишининг сўнгги кунларида 12 нафар оилга янги уй қалитлари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов, вилоят ҳокими Азат Ўралбаев иштирок этиб, аҳолининг қувончини баҳам кўришди.

– Жорий йилда вилоятда аҳолининг ижтимоий

қариб, ижтимоий заиф қатламларнинг турмуши фаровон бўлмоқда. Хонадонингиз файзу барака, қувончга тўлсин, – деди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.

Янги уйлар замонавий услубда қурилган, ҳовлига темир панжара ўрнатилган. Сув ва иситиш тизими билан таъминланган. Ҳар бир хонадон 3 хонали, умумий майдони 62,5 кв.м.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Минтақа раҳбари ҳокими Дархан Сатибалди раислигида вилоятда қурилиши режалаштирилган бинолар меъморчилиги ва лойиҳалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги йиғилиш ўтди. Меъморий кенгаш йиғилишида ихтисослаштирилган бошқармалар раҳбарлари, тадбиркорлар, сармоядорлар, шунингдек, меъморчилик ва қурилиш соҳалари вакиллари иштирок этди.

Вилоят раҳбари ҳар бир лойиҳа кенгашда кўриб чиқилишидан олдин пухта ўрганилиши зарурлигини таъкидлади. Тадбирда Туркистон шаҳрида автосалон, мактаблар, болалар боғчалари, ташхис маркази очиш юзасидан таклифлар муҳокама қилинди. Филармония биноси қиёфаси, эшак

эшиш канали атрофини сайёҳлик марказига айлантириш, ёшлар учун маданий-маърифий марказлар барпо этишга оид ва бошқа лойиҳалар тақдим этилди. Йиғилиш яқунлари бўйича мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОБОД ЮРТНИНГ ЭЛИ ХУРРАМДИР



• Обуна–2025

«ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий! 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида даврий нашрларга обуна қизгин давом этмоқда. Мустақиллик билан тенедош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади. Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқчи ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзилинг. Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.



6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ҲЖ орқали – 3415,50 тенге; НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

Туркистонда – Президент аргаси



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган йили 40 минг нафардан ортиқ ўқувчи ёзги оромгоҳларда дам олиб, маданият масканларига саёҳат қилди. Шунингдек, республика олимпиадаларида вилоятдан 520 нафар ўқувчи иштирок этиб, уларнинг 200 нафарга яқини совринли ўринларни қўлга киритди. Бу ютуқлар таълим соҳасини тизимли қўллаб-қувватлаш самарасидир. Биз келгусида ҳам болалар учун қўлай шароитлар яратишда давом этамиз. Ҳар бир кунингиз бахтга тўлсин, барча орзуларингиз рўёбга чиқсин. Янги йилингиз билан, азиз болалар! – деди Дархан Сатибалди.

Байрам тадбирида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, республика ва халқаро олимпиадалар ғолиблари бўлган 200 нафар болага Президент номидан эсдалик совғалари топширилди. Вилоят раҳбари мактаб ўқувчиларига эсдалик мактублари, ширин-



ликлар, шунингдек, ўқув қуроллари, “Халқ эртақлари” китоблари ва пул мукофотларини топширди. Мукофотланганлар орасида кентовлик талаба Гаухар Шаймерден ҳам бор, у жорий йил баҳорда сув тошқинидан жабр кўрган ғарбий вилоятлар аҳолисига ўз жамғармаларини хайрия қилиб, жамоатчиликнинг олқисига сазовор бўлган эди.

Фестивалда халқ эртақлари қаҳ-

рамонлари болаларни хушнуд этди, кўшиқ ва рақслардан иборат махсус концерт дастури уларда ёрқин таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, Янги йил олдида 200 нафар мактаб ўқувчиси бир кун давомида Туркистоннинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилди. Улар кўнгилочар марказларда ҳордиқ чиқаришди, кинотеатрда мультфильмлар томоша қилишди.

АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР – МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР



Шоир, ТУРКСОЙ Ёзувчилар уюшмаси раиси Улиқбек Есдаулет етакчилигидаги адаблар гуруҳи Туркистонга ташриф буюрди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди улар билан учрашув ўтказиб, долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди. Учрашувда қозоқ адабиётини ривожлантириш, ёшларни китоб мутолаасига жалб қилиш бўйича таклифлар билдирилди.

– Вилоятимиз маънавият соҳасини жонлантирадиган лойиҳалар ва қадриятларга муҳтож. Биз бу йўналишда фаол иш олиб бормоқдамиз. “Ёшларни китоб ўқишга қандай қизиқтириш мумкин?” деган савол ҳам мени кўп ўйлантиради. Бу адабларга ҳам боғлиқ. Агар биз адабиётни замонавий ва қизиқарли эта олсак, бу албатта, катта ютуқ бўларди. Адабиётимизни ўзимиз қўллаб-қувватлашимиз керак. Зеро, халқимиз асрлар давомида дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган комил фарзандлари, уларнинг илмий-маънавий мероси билан ҳам бошқа халқлар орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган, – деди вилоят ҳокими Дархан Амангелдиули.

Учрашувда вилоят раҳбари Улиқбек Ўразбайулини 70 ёшга тўлиши муносабати билан табриклаб, унга чуқур ҳурмат-эътиромини билдирди.

Улиқбек Есдаулет Туркистонда “Туркий оламнинг китоблари” кўргазма-ярмаркасини ташкил этишни таклиф қилди. Бу қозоқ тилидаги китобларни хорижда тарғиб қилиш ва оммалашти-

риш учун ажойиб имконият бўлади. Шунингдек, у ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти бу борада ёрдам беришга тайёрлигини таъкидлади.

– Халқимизнинг табиати ва тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маънавий тарбия ва маърифий баркамоллик Янги Қозоғистон ғоясининг муҳим талабига айланди. Адабиётга эътибор бу – келажакка эътибордир. Мазкур сўзларнинг амалий ифодасини бугун биз – ижодкорлар амалда кўриб, ҳис қилиб турибмиз, – деди у.

Бундан ташқари, раис йил давомида Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 90 йиллиги кенг нишонлангани, унинг доирасида кўплаб кенг қўламли тадбирлар ўтказилганини таъкидлади.

Йиғилишда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг Астана шаҳридаги вакили шоир Даулеткерей Қапули ўз таклифлари билан ўртоқлашди. “Фолиант” нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Нурлан Исабековнинг болалар адабиётини ривожлантиришга оид фикрлари ҳам тингланди.

ТУЛКИБОШ ТУМАНИ ҲОКИМИ ТАЙИНЛАНДИ

Естибаев Асқар Султанули Тулкибош тумани ҳокими этиб тайинланди.

Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди туман фаолларига янги ҳокимни таништирди. Туман маслаҳати депутатлари унинг номзодини қўллаб-қувватлади.

Илгари ушбу лавозимда ишлаб келган Изтилеуов Нуржан Жақсиликули бошқа ишга ўтганилиги муносабати билан лавозимидан озод этилди.

– Ишончим комилки, янги ҳоким депутатлар билан биргаликда туманнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини юксалтириш, аҳоли учун қўлай шароитлар яратиш, Президентимиз сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш учун барча сазой-ҳаракатларини амалга оширади. Асосий мақсад – сармоя жалб этиш, ишлаб чиқариш корхоналарини очиб, аҳоли фаровонлигини ошириш, – деди Дархан Сатибалди.

Асқар Естибаев 1974 йил Тулкибош туманида туғилган. “Ҳуқуқшунос” ва “Иқтисодчи” мутахассисликлари бўйича олий маълумотга эга. Меҳнат фаолиятини 1998 йилда Алматы шаҳар Алмали туман судида суд ижрочиси лавозимида бошлаган. 2013–2022-йилларда Шимкент шаҳар ҳокими маслаҳатчиси, 2022 йил октябрдан Туркистон вилояти ҳокими девони раҳбари ўринбосари лавозимида ишлаган.



ТУРКИСТОН ВА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Минтақаларо ҳамкорликни ривожлантириш доирасида Туркистон вилояти делегацияси, Қозоғистон ишбилармон доиралари вакиллари, шунингдек, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бейбит Атамқулов Жиззах вилоятига амалий ташриф билан борди.



Делегация таркибига Жетисай ва Мақтаарал туманлари ҳокимлари Серик Мамитов ва Бахит Асанов, Туркистон вилояти тадбиркорлик ва саноат бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи Қанат Шўнбасов, туризм ва қишлоқ хўжалиги бошқармалари, “Туркистон” ҲЖ вакиллари ҳамда вилоят тадбиркорлари кирди.

Яқинда Жиззах вилояти ҳокими этиб тайинланган Улуғбек Мустафоев билан учрашувда трансчегаравий савдо, транзит-транспорт салоҳияти, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон элчиси ҳудудлар салоҳиятини ўрганиш зарурлигини таъкидлади, бу мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш доирасини кенгайтириш ва умумий товар айланмасини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, у ишбилармон доиралар ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш, қўшма сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш ва чегарадош ҳудудлар фуқаролари учун автобус қатновини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади.

Жиззах вилояти ҳокими савдо, туризм (шу жумладан, тиббиёт ту-

ризм), таълим ва бошқа истиқболли йўналишларда ҳамкорликдаги сазой-ҳаракатлар муҳимлигини таъкидлаб, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишга тайёрлигини маълум қилди.

Учрашув якунлари бўйича Туркистон вилояти туризм бошқармаси ва Жиззах вилояти Зомин курорт мажмуаси дирекцияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ҳужжат сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш ва вилоятлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган.

ФИДОЙИЛИК – УМР БЕЗАГИ



Пойтахтдаги “Тинчлик ва тотувлик саройи”да “Яхши одам – 2024” мукофотини топшириш маросими ўтди.

Мукофот олганлар орасида вилоятнинг вакили ҳам бор. Умрини қишлоқ тиббиётига бағишлаган

сўзоқлик Буркит Аринбеков алоҳида мукофот билан тақдирланди. Жарроҳ Буркит Арин-

беков касалхонада мураккаб жарроҳилар ўтказиб, юзлаб беморнинг ҳаётини сақлаб қолган.

Танлов ҚР Президенти телерадио мажмуаси ва “Жібек жолы” телеканали ҳамкорлигида учинчи бор ўтказилди.

»» Заковатли миллат

ШАХМАТ – БУ ФАН, ТАЪЛИМ ВА САНЪАТ

Қизим Даяна ёшлар ўртасида шахмат бўйича икки карра вилоят чемпиони, Дубайда ўтган Осие чемпионатида Қозғоғистон шарафини ҳимоя қилиб, сўнгги турда ғалаба қозонди, Қозғоғистон терма жамоаси эса бронза медалини кўлга киритди. Бу воқеа энди тарихга айланди...

Шахмат – бу фан, таълим ва санъатдир. Ҳар қандай давлат ривожланган бўлса, заковатлилар давлатига айланади. Шахматнинг тарихига қисқача тўхталадиган бўлсак, унинг келиб чиқиши «чатуранга» ўйинига бориб тақалади. Араб халифалиги даврида бу ўйин «шатранж» номи билан оммавийлашди. Араблар шахматга оид кўп маълумотлар қолдирган. Абулфатҳ Аҳмад ибн Сижзий «Шатранж китоби»да 819 йилда Хуросонда ўтказилган биринчи шахмат мусобақаси ва унда ғолиб чиққан ўртаасийлик машҳур шатранжчи Абу Бакр ас-Сулий ҳақида ёзган. Шахмат 11-асрдан бошлаб Европада жадал ривожланди. 15-асрда шахмат қишлоқларида ўзгаришлар киритилди.

1512 йилда Римда Дамианонинг «Бу китоб шахмат ўйнашни ўргатади» тўплами босилди ва у Европа тилларига таржима қилинди. 1575 йилда Мадридда Испания ва Италия шахматчилари ўртасида учрашув ўтказилди. 17-асрда Жоакинго Греко (Италия), 18-асрда Даникан (Франсуа Андре), Филидор (Франция), 19-асрда Говард Стаунтон (Англия), Адольф Андерсен, Иоганнес Цукерторт (Германия), Пол Морфи, Луи Паульсен (АҚШ), Игнац Колиш, Вильгельм Стейниц (Австрия – Венгрия), Александр Петров, Михаил Чигорин (Россия) каби шахмат усталари бу ўйиннинг ривожига улкан ҳисса қўшишди. 1851 йилда

Лондонда 1-халқаро мусобақа уюштирилди. Ҳар қандай давлат ривожланган бўлса, заковатлилар давлатига айланади. Шахматнинг тарихига қисқача тўхталадиган бўлсак, унинг келиб чиқиши «чатуранга» ўйинига бориб тақалади. Араб халифалиги даврида бу ўйин «шатранж» номи билан оммавийлашди. Араблар шахматга оид кўп маълумотлар қолдирган. Абулфатҳ Аҳмад ибн Сижзий «Шатранж китоби»да 819 йилда Хуросонда ўтказилган биринчи шахмат мусобақаси ва унда ғолиб чиққан ўртаасийлик машҳур шатранжчи Абу Бакр ас-Сулий ҳақида ёзган. Шахмат 11-асрдан бошлаб Европада жадал ривожланди. 15-асрда шахмат қишлоқларида ўзгаришлар киритилди.

1512 йилда Римда Дамианонинг «Бу китоб шахмат ўйнашни ўргатади» тўплами босилди ва у Европа тилларига таржима қилинди. 1575 йилда Мадридда Испания ва Италия шахматчилари ўртасида учрашув ўтказилди. 17-асрда Жоакинго Греко (Италия), 18-асрда Даникан (Франсуа Андре), Филидор (Франция), 19-асрда Говард Стаунтон (Англия), Адольф Андерсен, Иоганнес Цукерторт (Германия), Пол Морфи, Луи Паульсен (АҚШ), Игнац Колиш, Вильгельм Стейниц (Австрия – Венгрия), Александр Петров, Михаил Чигорин (Россия) каби шахмат усталари бу ўйиннинг ривожига улкан ҳисса қўшишди. 1851 йилда

1886 йилда илк бор эркаклар ўртасида шахмат бўйича жаҳон бировлиги ташкил этилди.



ринчилиги ташкил этилган. Хотин-қизлар жаҳон чемпиони эса 1927 йилдан буён ўтказиб келинади.

Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиулининг шахматга хайрихоҳлиги қувонарлиқ. Ўгли Сатибалди Асилханнинг ушбу заковат ўйинига қизиқиши ва

истеъдоди ҳам шахмат ишқибозларнинг эътиборини тортиди. Ҳокимнинг фарзанд тарбияси билан ҳам жиддий шугулланаётгани қувонарлиқ хол.

Мамлакат Президенти Қасим-Жумарт Тўқоев заковатли миллатни шакллантириш, шахмат спортини ривожлантириш орқали ёш авлоднинг тафаккурини юксалтириш масалаларини қўллаб-қувватлашни таъкидлади. Эндиликда мамлакатимиз мактабларида шахмат фан сифатида ўқитилмоқда. «Заковатли миллат» лойиҳаси доирасида дунёдаги барча давлатлар ривожланмоқда.

Қозғоғистонда таълим, фан, санъат ривожланмоқда, болалар ва ёшлар ақлий тарбияни ўрганмоқда. Шахмат ўйнаган болалар ўқишда аълочи бўлади.

Буюк сиёсатчилар Ленин, Маркс, Энгелс, Наполеон, Франклин, Буюк шoirлар Абай, Шакарим, Шўқан, Пушкин ва бошқалар заковат ўйинининг усталари эдилар.

Балтабек ТУЙЕТАЕВ,
«Еркін ой» газетасининг
бош муҳаррири.

»» ФИДЕ ташкил этилганига – 100 йил

ФИКРЛАШ – МУКАММАЛЛИК КАЛИТИ

Ҳусниддин Султонбеков болалик давридан буён шахматга қизиқиб, спортнинг бу соҳасида улкан муваффақиятларга эришди. Жумладан, Ленгер шаҳар, Тўлебий туман ва вилоят биринчиликларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади, бир неча бор чемпионликни кўлга киритган. Ҳозирги кунда ҳам туман фахрийлар кенгаши, ўзбек этномаданият бирлашмаси уюштиратган мусобақаларда қатнашиб, ғолиблар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Қадимий ўйинда эришаётган муваффақиятларини Ҳусниддин Султонбек ўғли фикрлаш қobiliyatини мустаҳкамлашда, деб билади ва шахматга қизиқувчи болалар ва ёшларга ҳам куйидаги маслаҳатларни беради.



Фикрлаш инсонга берилган ажойиб неъматдир, – дейди отахон. – Лекин баъзида бу неъматнинг қадрига етмаймиз, яъни ундан тўғри фойдалана олмаймиз. Фикрларимизни рўё деб ҳис қилсакки биз ички ва ташқи дунёларимиз орасидаги боғлиқликни англашимиз мумкин. Фақатгина фикр катта кучга эга эмас, лекин уни тинимсиз такрорлаш орқали ғоянинг салоҳиятини ошириш, жамлаш ва мақсадга йўналтириш мумкин. Фикр қанча кўп такрорланса, у шунча тез амалга ошади. Фақат бу эмас, фикрларни айна бир мақсадга йўналтирсагина улар амалга ошади.

– Шахматда ютуқларга эришиш учун авваламбор, одамда иқтидор бўлиши керакдир, истган одам шахмат тахтаси олдидики бир-икки ой ўтириб, чемпион бўлиб кетмас керак?

– Инсон ўз ҳаётининг меъмори эмасми? Ҳар биримиз ўз ҳаётимиздаги муваффақият ва маглубиятларга, ютуқ ва омадсизликларга ўзимиз сабабчимиз. Бунга тушунувчи учун ўз ҳаётимизга танқидий қара-

шимиз керак. Мисол учун, кўпчилик олдида эркин ва раван нутқ қилишни хоҳлаймиз-у лекин ўзимизни «гапи қовушмайдиган» одам, деб биламиз. Иродали бўлишни орзу қиламиз-у, аммо миямизда «сусткашман», деган фикр ҳукмронлиги туфайли қачондир кучли бўламан, деб, ўзимизни овутиб юраверамиз. Машинамиз бўлишини орзу қиламиз, лекин миямизга машинамиз йўқлигини муҳраб қўйганмиз. «Машинаси бор одамга мазза. Унинг омади бор. Менинг аҳволим бошқача. Мени шароит сиқиб қўйган»,



садиға етади. Бу ажойиб имконият ҳар бир одамда мавжуд. Ундан фойдаланиш учун моддий маблағи кўп ёки иқтидорли бўлиш шарт эмас. Биздан фақат қатъият билан бироз вақт талаб қилинади. Шугина холос. Қолганини онг бажаради.

– Ўзингиз мусобақаларда қатнашиб, биринчи кунлардан бошлаб ғалаба кучганмисиз?

– Йўқ, албатта. Булар ўз-ўзидан бўлаверадиган воқеалар эмас. Тинимсиз изланиш, меҳнат ва меҳнат. Мен масъулият деган тушунчани англашга ҳаракат қил-



деймиз. Нотўғри ва асоссиз гап бу. Бизга ҳеч қандай шароит халақит бераётгани йўқ. Йўлимиздаги ягона ғов – бу фикрларимиздир. Демак, шахмат масаласида ҳам менинг фикрим шундай. Мана, ёзувчилар айтади, ижоднинг 99 фоизи меҳнат, деб. Яъни, изланган, ҳаракатчан одамга ҳар қачон толе ёр бўлади.

– Тафаккуримизни фойдамига ишлатишимиз ёки уни ўз ҳолига ташлаб ҳеч нарсага эришмай юришимиз мумкин. Канадалик машҳур ёзувчи, инсон онги бўйича мутахассис-трэнер Жон Кеҳо айтганидек, «Кучсиз ва тарқоқ фикр – кучсиз ва тарқоқ кучдир. Қатъий ва жамланган фикр – ишончли ва яхлит куч демакдир».

– Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

– Тўғри мулоҳаза қилинган. Фикр биздан бир қадам олдинда юриши шарт. Қувонарлиси шундаки, ҳозирги шароитда киши ўз онгини зарур йўналишда ишлатса, албатта, мақ-

дим. Биз, яъни яқин дўстим бўлган, Ленгер туман «Путь Ильича» газетаси муҳаррири Владимир Ким билан кеча-кундуз шахмат тарихидаги мураккаб дебютлар устида бош қотирардик. Биргина пиёданнинг биринчи юриши ортидан ғоялар чексизлиги келиб чиқарди. У билан машғулот тахтасида ўтириб, вақт қандай ўтганини билмай қолардик.

– Нега Қозғоғистондан дунёга машҳур шахматчилар чикмаяпти?

– Бу жамиятнинг шахматга муносабатига боғлиқ, десам муболаға бўлмас. Чет элликлар кўп йиллардан буён кучли ўйин кўрсатишиб келмоқда. Билишимча, уларда шахмат ўргатувчилар қаторида спорт руҳшуноси, шахмат назариётчи маслаҳатчиси ва яна бошқа хизмат вакиллари бўлади.

– Қозғоғистонда шахматчиға эътибор ва яратилган шароит борасида муаммолар ҳам борми?

– Муаммо эмас, балки вазифалар десак тўғри бўлар. Биринчидан, шахматга касбий спорт, шахматчиға эса касбий спортчи сифатида қаралмоғи, шундай мақом берилмоғи лозим. Ёшларни спорт, санъат билан дўстлаштириш керак. Айниқса, ота-оналарга шахмат ўйнашни ўргатишни тавсия қилган бўлардим. Чунки шахмат – бу мантиқ илми. У ҳар қандай чигал шароитда ҳам ғалабага йўл топишни ўргатади. Учунчидан, афсуски жойларда шахмат мактаблари кам. Айниқса, шахмат мураббийлари етишмайди.

– «Жанубий Қозғоғистон» газетаси мухлислариға тилакларингиз...

– «Жанубий Қозғоғистон» газетаси вилоятимиздаги кучли шахматчиларнинг ҳаёт йўлини мунтазам ёритиб бурса, ёш шахматчиларимизни қўллаб-қувватласа, деган илтимосим бор.

– Илтимосларингиз албатта инобатга олинади, қизиқарли сўхбатингиз учун ташаккур!

Сергей САДОВСКИЙ,
халқаро тоифадаги ҳакам.

»» Бир туман хабарлари

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Сайрам тумани ҳокимлигида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактикаси масаласи бўйича идоралараро комиссиянинг йиғилиши ўтди. Уни туман ҳокими Арман Сабитов олиб борди.

Тадбирда ноқонуний ўйин бизнесига қарши кураш, фирибгарлик жиноятлари, ноқонуний ўйин бизнеси билан боғлиқ жиноятлари, шунингдек, солиқ соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилишида туман полиция ва давлат даромадлари бошқармалари вакиллари ҳамда Оқсувкент, Манкент, Қорабўлоқ қишлоқлари ҳокимларининг ҳисobotлари тинланди.

Шунингдек, солиқ соҳасида маъмурий жарималар тўлиқ ундирилиши, туман миқёсида хуфёна иқтисодийта қарши кураш борасидаги ишларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ ЎТДИ

Туман ҳокими Арман Сабитов раислигида туман ҳокимлиги хузуридаги уюшган жиноятчиликка қарши кураш комиссиясининг йиғилиши ўтди. Унда комиссия аъзолари, туман маслаҳати раиси, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бўлим раҳбарлари ва қишлоқ ҳокимлари иштирок этди.

Дастлаб сўз олган туман ҳокими Арман Саби-тули уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг олдини олиш бўйича мажмуавий чора-тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсатининг асосий йўналиши эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда Қайнарбўлоқ ва Қутарис қишлоқ ҳокимликларида уюшган жиноятчиликка қарши кураш тадбирларининг амалга оширилиши, таълим соҳасида ушбу хавфнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниб, қишлоқ ҳокимлари ва бўлим раҳбарларининг ҳисobotлари тинланди.

КҮМИР ЗАХИРАСИ ЕТАРЛИ

Оқсувкент қишлоғида кўмир савдоси қизғин. Жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга кўмир «Қаз-Гурт» ХТ муассасаси томонидан сотилмоқда.

Айни пайтда бир тонна «Шубарқўл» кўмирининг нархи 19900 ва 20600 тенгени ташкил этади. Бугунги кунда оҭборда 4700 тонна кўмир бор.

З. МҮМИНЖОНОВ.

»» Давлат дастури – амалда

СОН ЭМАС, СИФАТ МУҲИМ

Бугунги кунда чорва молларининг наслини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилакмоқда. Масалан, кўй-эчки парварлиш бўйича «Алтын асық», йирик қорамол парварлиш учун «Сыбага», йилқичиликни ривожлантириш бўйича «Қулан» дастурлари йўлга қўйилган. Улардан қўзланаётган мақсад – зотдор мол етиштириш.

Минтақамиз чорвачиликни ривожлантириш учун қулай. Қорамоллар боши ортиб, экспортга чиқарилмоқда. Албатта, бу чорвачилик билан шугулланадиган тадбиркорлар учун мўл даромад манбаидир. Бу борада сони бор, сифати йўқ мол боққандан кўра, ҳарajatларни оқлайдиган, мўл маҳсулот берадиган зотдор қорамол етиштириш афзаллигини эътиборга олиш лозим.

Ушбу селекциявий чора-тадбирларни тартибга келтириш мақсадида 1998 йил 9 июлда ҚР «Зотдор моллар хўжалиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. У зотдор чорвачилик соҳасидаги хизматни амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий асосларини белгилайди. Зотдор молларнинг наслини сақлаш ва кўпайтириш билан шугулланадиган давлат органларининг, хусусий ва ҳуқуқий шахсларнинг хизматини соzлайди. Зотдор чорвачиликка оид мақомни махсус палаталар беради. Республика палатаси наслдор молларни етиштириш ҳамда уларни кўпайтиришни амалга оширадиган хусусий ва ҳуқуқий шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нотижорат, ўзини-ўзи молиялаштирадиган ташкилот ҳисобланади.

Ваколатли идора тасдиқлаган тартибда зотдор маҳсулот мақомини бериш орқали унинг танланган йўналиши асосида рўйхатга олинади. Шунингдек, маҳсулотга зотдор деган гувоҳнома бериш, импортланган экспортловчи давлатларнинг ваколатли идоралари берган гувоҳнома ёки унга мос муқобил ҳужжат асосида амалга оширилади.

Вилоятда 2024 йил юкорида таъкидланган талабларга риоя қилмаган 9та наслдор чорвачилик хўжалиги аниқланди. Уларга 996,84 минг тенге миқдориди жарима солиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ерлан ЕШТАЕВ,
ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
агрoсаноат мажмуасидаги
давлат инспекцияси
бош мутахассиси.



Туркистон
вилоятига
10 ойда
888,5 млрд.
тенге сармоя
жалб этилган

Туркистон вилояти Қозоғистоннинг жадал тараққий этаётган вилоятларидан бири. Сайёҳлик ва тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳаларида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. 6 йил муқаддам вилоят маркази Туркистон шаҳри қурилиш майдонига айланди. Бироқ юксалиш бор жойда камчиликлар ҳам учраши аниқ. Ичимли ва оқар сув, пахта нархи, иссиқлик ва электр таъминотидаги муаммолар бошқичма-бошқич ҳал қилинмоқда.

Яқунлаётган йилнинг асосий янгилликларидан бири – Туркистон шаҳри Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти этиб белгиланди. Умуман, бу борада вилоятда қандай лойиҳалар амалга оширилиб, қандай ишлар олиб борилмоқда? Журналистларнинг бу ва бошқа саволларига вилоят раҳбари Марказий алоқалар маркази ташкилотчилигида Туркистон шаҳрида ўтказилган сайёр брифингда жавоб берди.

– Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтахти. Унинг тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Бу шаҳар қадим замонлардан буён европалик саёҳатчиларга маълум. Ипак йўли бўйлаб йирик савдо марказларидан бири сифатида ривожланган. Туркий оламнинг мутафаккири, буюк устози Хожа Аҳмад Яссавий ушбу шаҳарда яшаган. У юртини эзгуликка даъват этиб, ўз таълимоти дунёнинг кўплаб мамлакатларига ёйди.

Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси дунёдаги энг яхши меъморий асарлардан биридир. Шаҳримизга ҳар йили туркий давлатлар ва хориждан минглаб сайёҳлар келади. Тарихига қизиқади. Шу боис, Туркистон ҳар бир туркий давлат учун муҳим шаҳардир.

Иккинчидан, Туркистон бир неча асрлар давомида Қозоқ хонлигининг пойтахти бўлган. Тарихимиздаги асосий ва аҳамиятли қарорлар шу ерда қабул қилинган. Туркистонда 21 қозоқ хони, 8 султон, 23 бий, элликдан ортиқ қахрамон дафн этилган. Туркистон – Евроосиё гавҳари.

Умуман олганда, Туркистон вилоятининг ҳар бир туман ва шаҳрининг ўзига хос тарихи мавжуд. Агар уни ўргансангиз, қадимги замонларга чуқур кириб борасиз. Бу тарихи улғу минтақада етакчи бўлиш мен учун юксак масъулиятдир. Минтақани тараққий эттириш, Президент Қасим-Жумарт Тўқаев топширилари ва дастурларни амалга ошириш учун бор куч-гайратимни ишга соламан.



Туркистон вилоятида икки йилда 91 аҳоли манзили
(187 минг одам)
табiiй газ билан таъминланди

“Олимпия маркази” спорт мажмуаси ва бошқа бинолар фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси Туркистоннинг спорт салоҳиятини оширди. Вилоят марказида Туркий давлатлар универсиадаси, қозоқ кураши бўйича Осиё кубоги, республика мажмуавий спорт ўйинлари, халқаро мусобақалар ташкил этилди. Биз йирик халқаро мусобақаларни ўтказишга тайёрмиз.

қасининг хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаб, сайёҳликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Яқин келажакда бир қанча халқаро ва республика ичидаги ҳаво қатновларини очиш режаланган. Шу билан бирга, юк ташиш ҳажмини ошириш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. 2023 йилда аэропортнинг йўловчилар оқими 360 минг йўловчини ташкил этди. Жорий йил охирига қадар йўловчилар оқими 450 минг нафарга етказиш режалаштирилган.

Туркистон вилоятидаги тарихий-маърифий туризмдан ташқари, табиий ва экологик туризм йўналиши ҳам ривожланмоқда.

– Туркистон мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ташкил этилган дастлабки вилоятлардан бири. Вилоят марказида барпо этилаётган барча иншоотлар эндиликда ўзига хос меъморий қиёфага эга. Яқин келажакда яна қандай меъморий бинолар барпо этилади?

– Туркистон кун сайин ўзгариб бормоқда. Баланд бинолар дизайни ўзига хос услубда қурилар. Эски шаҳар

қудуди маданий-маънавий марказга айланди. Иншоотлар ЮНЕСКО билан келишилган ҳолда қурилади. Янги шаҳарнинг маъмурий-тадбиркорлик марказида эса 20 қаватли бинолар ҳам барпо этилди.

Мамлакатнинг маънавий маркази – Турон элининг пойтахти ҳисобланган қадимий ва муқаддас Туркистон шаҳри вилоят маркази сифатида шаклланди. Янги шаҳарда кўплаб уй-жойлар қурилиб, кўчиб келувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2018 йилда Туркистон шаҳри аҳолиси 165 минг 400 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозир 220 мингдан зиёд. Аҳоли сони ортиб бормаси сари маънавий ҳаётга доир кўплаб масалалар юзга келиши табиий, яъни юксалиш бор жойда долзарб масалалар ҳам

баларини кўпайтириш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, сармоя жалб этиш, солиқ манбаларини топиш, завод-фабрикалар очишга устувор аҳамият қаратаймиз. Минтақавий сармоявий штаб ишламоқда. Унинг мажлисида сармоядорлар билан бевосита иш юритамиз ва уларнинг лойиҳаларини кўплаб-қувватлаймиз.

Сармоя жалб этиш мақсадида вакилларимиз хорижий давлатларга бориб келди. Бу изланишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўтган йил яқунлари бўйича вилоят иқтисодиётига 972 миллиард тенге (хусусий сармоялар 705,1 миллиард тенге, бюджет маблағлари 266,9 миллиард тенге) йўналтирилиб, ўтган даврга нисбатан 126,1 фоизга ўсди. Юксалиш бўйича вилоят мамлакатда



бўлади. Шу боис ушбу масалаларни ўз вақтида ҳал этиш вилоят ва шаҳар раҳбарларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида шаҳар ҳаёти, аҳолиси ва меҳмонларининг тарих, туризм, маданий меросга муносабати сезиларли даражада ўзгарди. Туркистоннинг тараққий этишига кўнгилчилар ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Туркистон – туркий оламнинг сайёҳлик пойтахтига айланиши муносабати билан жорий йилда қатор иншоотлар фойдаланишга топширилади. Бугунги кунда вилоят марказида “Туркий олам маркази”, “Дўстлик уйи”, “Хунармандлар маркази”, “Хилват” маънавий маркази, ер ости масжиди, “Кўргазма маркази”, “Шарқ бозори”, сунъий кўл ва 5000 кишига мўлжалланган марказий масжид қурилиши давом этмоқда. Айни пайтда Бекзат Саттарханов номидаги спорт мажмуаси, янги уй-жой бинолари барпо этилмоқда. Таълим ва табиёт муассасалари қурилиши ҳам бошланмоқда.

кучли уличка киради. Ҳукумат томонидан тасдиқланган режа (908,2 млрд. тенге) ортиги билан удаланди.

Шунингдек, бевосита хорижий сармоялар ҳажми 492,0 миллион АҚШ долларини (2023 йил III чорак) ташкил этиб, йиллик режа (451 миллион АҚШ доллари) 9 ойда ортиги билан бажарилди. 2024 йил учун асосий капитал кўрсаткичи 1 триллион 133,8 миллиард тенге этиб белгиланди. Биз ушбу режани ҳам амалга ошираемиз.


Ўтган йили Туркистон вилоятида умумий қиймати 126,9 миллиард тенге бўлган 56та сармоявий лойиҳа ишга туширилди. 2024-2027 йилларда амалга ошириладиган умумий қиймати 3,3 триллион тенгелик 173та сармоявий лойиҳанинг тўпланмаси шакллантирилди. Улар қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, таълим ва соғлиқни сақлаш, саноат ва қурилиш, туризм ва энергетика соҳаларини қонуний таъминлайди.

Ўтган йили ишга туширилган лойиҳалар қаторида Ўтрор туманидаги кўёш электр станцияси, Сайрам туманидаги тагликлар ва кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш, Ўрдабоши туманидаги алюминий буюмлар ишлаб чиқариш, саноат ва қурилиш, туризм ва энергетика соҳаларини қонуний таъминлайди.

Ўтган йили 100га яқин хорижий

САРМОЯ – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Ишлаб чиқаришни ривожлантирмай туриб, аҳоли даромадини ошириш мумкин эмас. Қўшимча даромад ман-



Туркистон вилоятига йил
бошидан буён 400 мингдан
зиёд сайёҳ ташриф буюрган

Туркистон вилояти ташкил топганига 6 йилдан ошди. Туркистон шаҳрига вилоят маркази мақоми берилди. Ўтган 6 йил мобайнида вилоятда жуда кўп муҳим лойиҳалар амалга оширилди. 250дан зиёд бинолар барпо этилди. Уй-жой бинолари, маданият, спорт, таълим, табиёт, инфратузилма иншоотлари юрт фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Улар орасида халқаро андазаларга мос спорт мажмуалари қад ростлади. “Туркистон Арена” ўйингоҳи, Халқаро теннис маркази, “Муз саройи”,

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг топшириғига биноан, Туркистонга алоҳида мақом бериш тадбирлари юритилмоқда. Ўтган йили Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар сайёҳлик шўъбаси раҳбарларининг йиғилиши ўтган эди. Шу тадбирда Туркистонни 2024 йилда Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти деб эълон қилиш тақдифи кўплаб-қувватланди. Мазкур қарор туркийзабон давлатлар ўртасида сайёҳлик йўналишидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида туртки берди.



Туркистон вилоятида 50та
мактаб барпо этилмоқда

ҳамда маҳаллий компаниялар билан учрашув ва музокаралар ўтказилди. Тадбиркорлар билан Хитой, Ўзбекистон ва Австралияга хизмат сафарлари ташкил этилди. Натижада янги лойиҳаларни амалга ошириш ва мавжуд заводларни кенгайтиришга қарийб 1 триллион тенге сармоя жалб этилади.

Жорий йилда мазкур тажрибадан фойдаланиб, минтақавий делегациянинг Туркия, Россия, Хитой, Ўзбекистон, Эрон ва Вьетнамга хизмат сафарларини уюштириш режалаштирилган. Биз ишлаб чиқариш саноатида устувор аҳамият қаратамиз.

Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда умумий қиймати 30,2 миллиард тенгелик 20та сармоявий лойиҳани ишга туширдик. Лойиҳалар доирасида пахтаани қайта ишлаш, нефтни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, қолбаса, парранда гўшти ва туҳум етиш-

ИСТИҚБОЛГА ҲИСОБОТ



тириш, тикувчилик фабрикаси, елим буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд.

Жорий йилда sanoat ишлаб чиқаришида умумий қиймати 19,5 миллиард тенге бўлган 12та сармовявий лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Сармовявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатишда асосий талабимиз вилоят аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлашдан иборат.

Ўтган йил якунларига кўра, кичик ва ўрта бизнес шўъбаларида 45 441 одам иш билан таъминланди.

Бугунги кунда тадбиркорлик соҳасида машғул бўлганлар 292 минг 620 нафарни ташкил этади. Вилоятимиз бандлик даражаси буйича бошқа минтақалар орасида иккинчи ўринда.

Хитойнинг бу борадаги ишларидан тажриба орттириш мақсадида ўтган йили барча туман ва шаҳар ҳокимлари, тадбиркорлар иштирокида хизмат сафарлари ташкил этилди. Унда туман ва шаҳар раҳбарлари Шандон, Урумчи, Шинжон, Хнан, Иу, Ляочин, Ляоцин каби вилоят ва шаҳарлардаги ишлаб чиқариш корхоналари билан танишди.

режада бор. Шунингдек, пахтадан газлама, мой, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Вилоятнинг ўзига хос даромадини ошириш учун янги иш ўринлари яратиш зарур. Аини пайтда пахта кластерини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада йирик завод очмоқчи бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Иккинчидан, пахта етиштиришда сувни тежаш технологиясини имкон қадар такомиллаштириш зарур. Умуман пахтачилик катта ўрганиш ва изланишни талаб қилади. Вилоят ҳокимлиги пахта кластерини ривожлантириш учун шароит яратади. Бу борада режаларимиз бисёр.

Бугунги кунда вилоятдаги 832 аҳоли манзилидан (7та шаҳар, 732та қишлоқ) 739таси обихайт билан таъминланган. Улардан шаҳарларда – 99,8 фоиз, қишлоқларда – 97 фоиз.

2024 йилда 47та иншоотни қуриш учун бюджетдан 13,3 миллиард тенге ажратилди. Уларнинг 37таси жорий йилда қуриб битказилади. Натижада, 24та аҳоли манзили ичимли сув билан таъминланади, 13та қишлоқда сув қувурлари янгиланади.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт

аҳоли манзилини (53,3 минг нафар аҳоли) ичимли сув билан таъминлаш кўзда тутилган.

Маълумки, Туркистон вилояти қишлоқ хўжалиги соҳасида республикада алоҳида ўрин тутди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 13,3 фоизи вилоятимиз улугшига тўғри келади. Вилоят иқлим ва ишчи кучи жиҳатидан республикада энг қулай минтақа ҳисобланади. Вилоятда 81,3 минг қишлоқ хўжалиги тузилмаси (республиканинг 30 фоизи) ишлаб турибди. 2023 йил якунига кўра, умумий ишлаб чиқариш



Гўшт экспорти бўйича Туркистон вилояти республикада биринчи ўринда

Бугунги кунда Хитой Халқ Республикаси билан 9та қўшма сармовявий лойиҳа пухталанди ва амалга оширилмоқда. Ушбу сармовявий лойиҳалар ҳисобидан вилоят иқтисодиётига қариб 1,2 трлн. тенге сармоя жалб этиш режалаштирилган.

Хусусан, Туркистон шаҳридаги мебель фабрикаси учун 2,3 миллиард тенгега асбоб-ускуналар харид қилинди. Аини пайтда лойиҳа ишга туширилган. Туркистон шаҳрида пайпоқ ишлаб чиқариш заводи фаолиятини бошлади.

Хитой компанияси Чордара ва Келес туманларида умумий қиймати 45 млрд. тенгелик чигитни қайта ишлаш ва саралаш, полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш, томчилатиб сўғориш ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ниятида. Аини пайтда ер масаласини ҳал қилиш борасида иш юритилмоқда.

Арис шаҳрида умумий қиймати 4,7 миллиард тенгелик алюминий радиаторлар заводи қуриш режалаштирилмоқда. Ҳозирда сармоядор Хитой компанияси билан музокаралар юритмоқда.

Туркистон вилоятида пахта ва тўқимачилик соҳасида 75та завод ва фабрика очиш режалаштирилган. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган 75та корхона очиш, пахта етиштиришдан бошлаб 9та кластер ташкил этиш режалаштирилган. 40 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини 100 фоизга етказиш



Туркистон вилоятида 50 гектарда сув тежовчи технологиялар жорий этилган

Тўқаев Қозоғистон халқига йўллаган Мактубида мамлакатда ўнлаб йиллар давомида йирик маблағ ажратилганига қарамай, ичимли сув масаласи ҳанузгача ҳал этилмаганини таъкидлаб, Ҳукуматга минтақаларни ривожлантириш миллий лойиҳаси доирасида беш йилда аҳолини 100 фоиз тоза ичимли сув билан таъминлаш вазифасини юклаган эди.

Минтақа аҳолисини ичимли сув билан таъминлаш мақсадида “2023 – 2025 йилларга мўлжалланган Туркистон вилоятини ичимли сув билан таъминлаш чора-тадбирлари режаси” тасдиқланган.

Режага мувофиқ, вилоятдаги 93та

ҳажми 1 триллион 159,0 миллиард тенгега етди. Кейинги 5 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баравар ўсди.

Шунингдек, соҳанинг сармовявий жозибadorлиги йил сайин ортмоқда. 5 йилда 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида хусусий сармоялар жалб этилиб, қайта ишлаш корхоналари, замонавий сутчилик фермалари, йирик бўрдоқчилик майдонлари, иссиқхона мажмуалари, интенсив деҳқончилик ва сув тежовчи технологиялар жорий этилмоқда.

Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда. 2023 йилда 384,6 миллион

АҚШ долларига (1054,6 минг тонна) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган эди.

Бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалигининг асосий долзарб муаммолари сув тақчиллиги, пахта нархининг ўзгарувчанлигидир. Вилоятда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг кўлами 870,0 минг гектарни, шу жумладан, обикор майдонлар 552,0 минг гектарни ташкил этади. Йиллик сув оқимининг зарур миқдори 4,4 миллиард метр кубни ташкил қилади. Сув сарфини камайтириш борасида замонавий технологияларни жорий этиш, сув ҳавзаларини тиклаш ва янгиларини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда 32,3 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Баҳорги ёмғир ва тошқин сувларидан самарали фойдаланиш мақсадида “Боралдай” (45 миллион куб.метр) ва “Байдибек ота” (68 миллион куб.метр) сув ҳавзаларини қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Бу Байдибек, Ўрдабоши, Ўтрор, Саврон туманлари ва Туркистон шаҳридаги 67 минг гектар экинзорни сўғориш муаммосини ҳал қилиш имконини беради.

“Байдибек ота” сув омборида қурилиш ишлари учун 2023 йилда вилоят бюджетидан 680 млн. тенге ажратилди. 2024 йили республика бюджетидан маблағ ажратилди.

Трансчегаравий ирмоқлар ва магистрал каналларга қарамлик туфайли минтақадаги асосий оқар сув тақчиллиги Мақтаарал ва Жетисай туманларида бўй кўрсатмоқда.

“Дустлик” магистрал канали орқали 140 минг гектар сўғориладиган майдонга зарур сув миқдори йил сайин 30-35 фоизга камайиб бормоқда.

Шу муносабат билан, Ўрта Осиёнинг давлатлараро мувофиқлашти-

баранглаштириш, уруғлик билан таъминлаш, янги технологияларни жорий этиш, пахта кластерини яратиш.

Йул харитасига кўра, вилоятда 75 та корхона ва завод қурилиши ҳисобига 9та кластер ташкил этиш кўзда тутилган. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши давомида 41900та янги иш ўрни яратилади, келгусида пахта нархининг экспортга боғлиқлиги бутунлай бартаараф этилади. Бугунги кунда умумий қиймати 121,6 млрд. тенгега тенг бта сармовявий лойиҳани амалга ошириш вазифаси қўйилди. Улар Мақтаарал, Жетисай, Чордара туманлари ва Арис шаҳрида амалга оширилади.

2023 йил 14 ноябрда Қозоғистон аҳолиси сони 20 миллионга етиб, тарихий воқеа қайд этилди. 20 миллионинчи қақалоқдан бири Туркистон вилоятининг Жетисай туманида туғилган. Бу – биз учун фахр.

Туркистон вилояти – мамлакатдаги туғилиш энг кўп минтақа ҳисобланади. 2022 йилда вилоятда 57 минг 429 нафар бола туғилган.

Жорий йил бошидан буён вилоятимизда 46 минг нафарга яқин қақалоқ дунёга келди.

Давлатимиз раҳбари таълим сифатини ошириш мамлакатнинг асосий мақсади эканини таъкидлади. Шунингдек, болаларнинг билим олиши учун қулай шарт-шароит яратиш вазифасини қўйди. Аҳоли зич жойлашган, туғилиш суръати юқори бўлган Туркистон вилоятида янги ўқув йилида 53 222 нафар бола 1-синфга борди, 11-синфни эса 29422 нафар ўқувчи тамомлайди.

Вилоятдаги 1029та мактаб (908та давлат, 121та нодавлат), 519 минг ўқувчи таълим олади. Минтақада туғилиш юқорилиги туфайли 35 минг ўрин етишмайди. 4та хароба, 5та уч сменали, 11та уч сменанага ўтиш хавфи мавжуд мактаб фаолият юритмоқда. Бу масалани ҳал қилиш учун 4 йўналишда ишляяпмиз.

Биринчидан, бюджет маблағлари ҳисобидан 34та мактаб (лойиҳа қуввати – 8250 ўрин) қурилиши давом этмоқда. Жорий йилда 20та мактабни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар бта мактаб фойдаланишга топширилди.

Иккинчидан, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Таълим инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ҳисобидан 9та мактаб (лойиҳа қуввати – 6650 ўрин) қурилмоқда.

Учинчидан, “Бадастир мактаб” лойиҳаси доирасида 3 йил ичида 63та мактаб (лойиҳа қуввати 49 минг ўрин)

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати
маълумотлари асосида.

>>> Тахририятимиз меҳмони



ҚИЗ ЎҚИСА – ХАЛҚ ЎҚИЙДИ

Мақоламиз қаҳрамони минтақамизда таниқли раҳбар аёл, Сайрам тумани, Оқсувкент қишлоғидаги Анвар Исмоилов номидаги касбий коллеж директори Гулчехра Исмоилова. У ушбу мавзуда матбуот-да ўз фикрлари, нуқтаи назарини баралла айтишга қарор қилиб, газетхонлардан, кенг жамоатчиликдан жавоб кутади, албатта.



та тайёрлаш, рўзгор юмушларини бажариш ҳар бир оилادا қиз болага ўргатилади. Негаки, "бировнинг уйига борасан, келин бўласан", деб оналар қизларнинг қўлоқларига тинмай қўядилар. Қизлар эр уйига тўла-тўқис тайёр бўлмаса ҳам, лекин асосийларига ўргатилган ҳолда узатилади. Гап ўғил болаларимизда.

Мен Шимкент, Астана, Алматыда тахсил олган йигитларимизнинг "қўзини очиб" зарур дея олмайман. Уларнинг фикрлашлари умуман бошқа. Маҳаллий даражадаги йигитларни кўпроқ назарда тутмоқдаман. Афсуслар чекиб айтаманки,

66

Менимча, муаммо кўпроқ ёшларда. Оила, рўзгорга тайёр эмас. Уларни бу шароитларга ўргатадиган, ҳеч қаерда ёзилмаган қонун-қоидалар, масъулиятдан дарс берадиган жойнинг ўзи йўқ. Ота-она фақат ўз оиласидаги яшаш қонунларини, анъаналарини кўрсатиб берапти, холос.

99

одамларнинг оғзидан эшитсинлар, улардан яхши нарсаларни ўргансинлар.

– Бугунги бола тарбияси ниҳоятда қийинлашди, деб ҳисобламоқда кўп ота-она...

– Тўппа-тўғри. Юз фоиз қўшиламан. Айниқса, қиз болалар тарбияси. Масалан, коллежимизда бир эмас, бир неча қизни ўз ота-онаси полицияда рўйхатга олиниб, ахлоқи оғир ўсмирлар қаторида бўлишига йиғлаб туриб, розилик беришди. Биз ўтказган чоралар ҳам қор қилмади, ноилоҳ, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳукмига топширди. Ҳозир болаларни уриб-сўқиш у ёқда турсин, қаттиқ қойишдан ҳам қолиб бормоқдамиз. Ёшлар уйдан кетиб қоляпти, суицид, қўрқитиш ва ҳоказо. Шундан

– Мени ушбу мавзу кўпдан буён ўйлантириб келади. Уни қандай қилиб, оммага етказсам, биргалишиб, ижобий ечим топсам, дейман. Негаки, бу ниҳоятда долзарб масала, миллатимиз келажагига бевосита таъсир кўрсатади, – деди Гулчехра Камол қизи. – Коллежимиз 2004 йилдан буён фаолият юритиб келади ва доимий равишда ривожланиб, бугунги кунда вилоятдаги энг зўр коллежлар ўнлигига кирган. Республика, халқаро даражадаги тажриба, ютуқларимиз ҳам етарли. Афсуски..., сўнгги йилларда унинг ички муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатлар мавжуд. Баъзи талаба қизларимизга нисбатан оилалари томонидан ўтказилаётган таъқиқлар кўпайиб кетди. Қозоғистонда ҳозир оилавий зўравонликка қарши турли тадбирлар ўтмоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам ўз фикрларимни билдиришга қарор қилдим. Бизда асосан Сайрам тумани, хусусан, Қорабулоқ ва Манкент қишлоқларидан талаба ёшлар тахсил олишади. 16-17 ёшли қизларини эндигина коллежимизга олиб келишганда, ота-оналарга айтадиган биринчи гапимиз, шартимиз – қизлари курсларнинг охиригача ўқишин, билимли, хунарли бўлишин, диплом олиб, кейин турмуш қуришин, дейимиз. Лекин 19 ёшга етар-етмас қизлар турмушга чиқишади. Бўлди, ҳамма муаммо шундан кейин бошланади. Ҳафталаб дарсларга келишмайди, қайта-қайта чақиртираверганимиздан сўнг, эрлари билан келиб, ўқишни ташлаш ҳақида ариза ёзишади. Ахир... Давлат уларга имкониятлар яратиб, 40-50 минг тенгедан стипендия тўлаяпти, касб-хунарли бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берапти.

66

Лекин 19 ёшга етар-етмас қизлар турмушга чиқишади. Бўлди, ҳамма муаммо шундай кейин бошланади. Ҳафталаб дарсларга келишмайди, қайта-қайта чақиртираверганимиздан сўнг, эрлари билан келиб, ўқишни ташлаш ҳақида ариза ёзишади. Ахир... Давлат уларга имкониятлар яратиб, 40-50 минг тенгедан стипендия тўлаяпти, касб-хунарли бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берапти.

99

Бир савол туғилади, бугунги жамиятга шундай қизлар, жуфти ҳалоллар, оналар керакми? Улар бошқа ҳаётга арзимадими? Оила кўргони қачон бузилади, қачонки бир киши зиён-зарар кўраверса, ҳуқуқлари поймол этилаверса. Масалан, қабулимга йиғлаб келадиган ёш келинчаларга эрлари нафақат ўқишга рухсат беришади, балки уяли телефонларини ҳам олиб қўйиб, кечкурун ишдан келганларида берар эканлар. Бу нимаси ўзи? Нега йигитларимиз шундай бўлиб бормоқда?

Кўёв бўлиш дегани жуфтига қаттиққўл, талабчан, азоб беравериб дегани эмас-ку. Қиз бола эрга тегиб, турмушда фақат фароғат кўрмайди, оилавий ҳаёт қуруқ орзу-хаваслардан иборат эмас, бу тушунарли, лекин кўчага чиқармаса, ўқишга юбормаса, ота-онасини йўқлашга ҳам эшон-омон бориб кела олмаса, бу аёлинч барча ҳуқуқларини бутунлай эгаллаб олиш эмасми? Сўрасанг, жавоби ҳам тайёр: қизганаман, рашиким ёмон. Қизганишнинг ҳам чегараси бўлади-ку. Яна бир ёмон томони, янги келинчаққа ўқишни ўзгартиришнинг тайинлашдими, бир марта юрган қўл югураверди, бир марта сўккан тил сўкаверди, деганларидек, бошқа жиҳатлардан ҳам чекловлар бўлаверди. Кейин бу ҳолат кўпроқ бизга хос. Масалан, турмушга чиққач, қоқоқ ёки бошқа миллат қизлари ҳам вақтинча ўқишга келмай қолишади, билсанг, бу беморлик ёки ҳомилдорлик билан боғлиқ бўлади. Ҳеч бири эри билан келиб, узил-кесил ўқимайман, ҳужжатларни беринг, демайди, бир амаллаб диплом олишга ҳаракат қилади.

– Сиз ҳозир эр-хотин муносабатлари ҳақида айтяпсиз, бу аснода қайнона-қайноталар ҳақида нима дейсиз?

– Илгариги қайнона-қайноталар йўқ ҳозир. Улар билан суҳбатлашсам, кўпроқ келинлари тарафда. Уғлимиз кўн-маяпти, нима қилайлик, деб елка қишшади. Ҳозир оилаларда ёшларнинг гапи ўтадиган замон. Катталар уларнинг гапларига амал қилишади. Кейин ажрашишлар ниҳоятда кўпайиб кетгани сабабли, ортиқча можароларга тоқатлари йўқ. Тўй қилиб, яхши ниятда "ўғлимизнинг бошини иккита қилдик, энди ўз арваларини ўзлари тортисин", деб кўпинча четга чиқишмоқда. Керак бўлса, айрим оилаларда умумий тил йўқ, бир кайфият йўқ, ҳар ким ўзича яшайди. Шундай шароитда ким кимга



66

Аёл зоти ҳам тафаккурли бўлишга, илм олишга, хунар ўрганишга ҳақли-ку? Кейин атрофга ҳам бир боқиш керак, қайси замонда яшаймиз? Фақат эр, уй, рўзгор, болачақа, қайинбўйин деб ўтаётган, сочлари оқариб кетса-да, ҳаётни фақат шу қиёфада кўрадиган аёлларнинг юриш-туриши, феъл-атворларига бир қаранг. Мутелик, иродасизлик, қўрқоқлик, нодонлик, қоқоқлик, касаллик, бахтсизлик ва ҳоказоларни кўрасиз...

99

қайишади, дейсиз. Менимча, муаммо кўпроқ ёшларда. Оила, рўзгорга тайёр эмас. Уларни бу шароитларга ўргатадиган, ҳеч қаерда ёзилмаган қонун-қоидалар, масъулиятдан дарс берадиган жойнинг ўзи йўқ. Ота-она фақат ўз оиласидаги яшаш қонунларини, анъаналарини кўрсатиб берапти, холос. Лекин вақт бир жойда турмаяпти, ҳамма нарса дунёвийлашяпти, мукаммаллашяпти, илм-фан тараққийлашяпти, боз устига, демократия. Эски одатлар бугунги кунга тўғри келмаётгани ҳаммага ойдек аён.

– Сизнингча, бу муаммонинг ечимлари қандай?

– Қизларимизни барвақт оилага тайёрлаймиз. Келин бўласан, унга тайёр тур, деб уй ишларига ўргатамиз, келинчиларини кўриб, ўзлари ҳам келинликка тайёрланиб борадилар. Барвақт туриб, ҳовли супуриш, нонуш-

ўқимаган йигитлар кўпинча ўқиган қизларга совчи юборишади ва уйландими тамом, уларга китоб ҳам ўқитишмайди, илм ҳам олдиришмайди. Ўқиб, илм олишга интилиб юрган қизга увол эмасми?!

Республика Оналар кенгаши раисаси Назипа Шанайнинг сўзлари менга маъқул бўлди. "Қиз ўқиса, халқ ўқийди" деган нақл ни у такрор айтади. Яна Шанай хоним Дубайда бир шайх билан суҳбатлашибди. "Менинг аёлим олий маълумот олмақда, лекин ўзи уйда ўтиради", дебди шайх. "Ишламаган, уйда ўтирган хотинга олий маълумотнинг нима кераги бор?", деб сўраса, "Ахир, у болаларимнинг онаси, ўқимаган, қоқоқ она фарзандларга қандай таълим-тарбия беради? Илм ўрганиш эркак ва аёлга бирдек фарз-ку", деб жавоб берибди шайх.

Кўриб турганимиздек, эр ҳам, хотин ҳам бирдек ўқиб, илм олиши шарт. Буни ҳозирги ёшлар онгига қуйишимиз керак. Рўзгор юритиш, уйда "кўш хўқиз" бўлиш учун ҳам эр-хотин бирга ишлашса, нимаси ёмон? Кейин саводсизлар, билимсизлар авлоди бизга керакми?

Мен мана шу масалаларни ҳал қилиш учун янги режалар тузаяман. "Қизлар мактаби" деб, тарбиявий соатлар ўтказамиз, тарғиботлар қиламиз. Лекин бирор марта ўғил болалар учун сабоқ мактаблари ўтмабмиз. Ўғил болага жисмоний тарбия, ватанпарварлик дарслари кифоя, деб ҳисоблабмиз. Энди энг яхши эрлар, оталарни топиб, суҳбатларини уюштирамиз. Ориятли йигитлар қандай бўлиши керак, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, ҳамма-ҳаммасини намунали

қўрмамиз. Ваҳоланки, бола тарбиясида жазо турлари ҳам бўлиши керак. Ота-онанинг сўзи қонун бўлмаса-да, лекин қатъий кучга эга бўлиши керак. Болаларни ҳаддан ташқари эркалатиш, ҳадеб кўнглига қарайверишнинг оқибати кўпинча ёмонликларга олиб келаятганига гувоҳимиз. Қизингиз чекяптими, ичяптими, жазоланг, кечирманг, уйдан берухсат чиқиб кетяптими, телефонини кўтармаёптими, жазоланг. Мен шундай деб ҳисоблайман. Ҳар қандай бола ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга ўрганиши керак. Лекин бугунги кунда фарзанди учун ҳар қандай шароитда ҳам "мустақкам туриб берадиган" ота-оналар кўпайди. Ҳамма ёмон, фақат уларнинг боласи эмас. Мана шундай оилалардан ҳеч қачон тарбияли бола чиқмайди! Шу нарсани дадил айта оламанки, бугунги кунда танбал ёшлар кўпайган. Уларга ота-она, устозлар, давлат ҳамма-ҳаммаси яхши ҳаёт таъминлаб беришга "мажбур", шарт. На оиласига, на эл-юртига ўтказиб қўймаса-да, бировдан таъма қилиб, умид қилиб яшашга одатланишмоқда. Бу жуда хатарли.

Шунинг учун ёшларимизга оила илмини, таълим-тарбия мактабини болалар боғчасидан ўргатишимиз керак. Кейинги таълим босқичларида бу фан сифатида ўргатилса, яхши бўларди. Айниқса, ўғил болаларга кўпроқ ўргатилик. Қизларимизга ҳам эътиборли бўлмасак бўлмайди, миллатимиз келажагини дунёга келтирадиганлар ўшалар...

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Н. МАВЛОНОВА.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Кўхна манбаларда қирқ қопқали Қорачиқ деб таърифланадиган, Ҳазрат Ясавийнинг суюкли невараларидан Сузук ота туғилган табаррук қишлоқда бободехқон хонадони – Усмон ота ва Манзура ая оиласида 1961 йилнинг 27 декабрида туғилган чақалоққа ҳаёти зафарларга бой бўлсин, деган мунаввар ниятлар билан Музаффар деб исм қўйишди.



У болалигидан зийрак, билимга чанқоқ, меҳнатсеварлиги билан танилиб, вояга етди. Қишлоқдаги “Победа” ўрта мактабини ўқишда ва тартибда намунали ўқувчи сифатида аъло баҳоларга тамомлади. Сўнг энг нуфузли ўқув даргоҳи –Тошкент Давлат университетининг филология факультетининг сиртки бўлимида таҳсил олди. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиди. Меҳнат фаолиятини 15-сонли мактаб-интернатда бош кашшоф етакчиси сифатида бошлаб, турли тадбир ва мусобақаларни уюшқоқли ташкил этиб, ишчанлик қобилиятини намоён этди. Ҳарбий хизматни Германияда ўтади. Университетни имтиёзли диплом билан, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси ихтисослиги бўйича тамомлади. Кейинги йилларда мураббий, ўқитувчи сифатида

исллари йўлга қўйилди. Ҳимматли ҳомийлар жалб қилиниб, ҳашар йўли билан қудуқ қазилди, мактаб ҳовлисида улкан ҳажмда сув ҳавзаси бунёд этилиб, боғ ва гулзорларни сугориш учун шароит яратилди. Ўқишда янги технологияларга жорий этилиши, мактаб, ота-она, ўқувчи ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилганлиги, ўқитувчиларнинг ўз билими устида тинимсиз ишлаши натижасида ўқувчиларнинг билим савияси юксалди. Аълочи битирувчилар демакки, давлат гранти асосида олий ўқув юрталарида бепул ўқиш имконига эга талабалар сони кўпайди.

Музаффар Усмон ўғлининг умр йўлдоши Гулчеҳра Аҳлиддин қизи тажрибали бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ҳамкасблари орасида заҳматли меҳнати билан эъзо толган устоз.

Тўнғич фарзанд Аброржон – А. Яс-

савий номидаги ХҚТУ тиббиёт факультетини тамомлаб, Кентов шаҳар марказий касалхонасида шифокор-рентгенолог. Аҳроржон – ХҚТУ спорт факультетини тамомлаган, ўқитувчи, қизлари Шаҳноза ҳамшира. Ҳам хизматда, ҳам иззатдаги келин-куёвлар – Насиба Ботир қизи Кентов шаҳрида шифокор, Дилмира Наби қизи ҳамшира, куёв Аҳмаджон Мақсуд ўғли ўқитувчи. Ширин-шакар неваралар пири бадавлат оиланинг қувончи ва ишончи.

Музаффар Усмон ўғлининг кўп йиллик самарали педагогик фаолияти “Маориф аълочиси”, “Ыбырай Алтынсарин”, “Касаба уюшмасига кўрсатган хизматлари учун”, “МДХ нинг пешқадам педагоги”, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги шарафига ўтказилган республика танлови якунига кўра, “ҚР Фахрий фуқароси” кўкрак нишонлари, республика, вилоят, шаҳар, туман ўзбек этномаданият бирлаш-

малари ҳамда “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг ташаккурномаси билан тақдирланган.

Мактаб кутубхонаси мудираси Гавҳар Абсетова, ўқитувчилар билан бамаслаҳат давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсатини она тилимизда тарғиб этаётган 33 ёшдаги “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси обунасига мунтазам жонқуярлик қилаётган, 63 ёшни қарши олаётган намунали раҳбар Музаффар Усмон ўғлига мактаб жамоаси, оиласи, қадрдон кудалари, обунада фаол тадбиркор ва шифокор дўстлари – Ғайрат Маҳкамбой ўғли, Шухрат Собиржон ўғли, шунингдек, таҳририят номидан сиҳат-саломатлик, оилавий саодат, янги йилда янги зафарлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Музаффар Умаров.

»» Заковатли миллат

КИТОБДАН ОРТИҚ ДЎСТ ЙЎҚ...



Туркистон шаҳридаги «Китобсеварлар клуби»да 120-заковат ўйинлари ўтказилди.

Туркистон шаҳри ва атрофидаги қишлоқлардан жами 7та жамоа иштирок этган бу заковат ўйинларида муталаа маданиятини юксалтириш, китобхон миллатни шакллантириш борасида дадил қадамлар қўйилмоқда. Райимжон Қўчқоров ташаббуси билан ташкил этилган клубнинг фаолиятига бугунги кунда

қизиқиш катта. Ҳар бир жамоада мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларидан ташқари, уйда фарзанд тарбияси ила машғул келинларнинг ҳам борлиги дилни қувонтиради. Чунки айнан ўша оналар ёрқин келажагимиз бунёдкорларини тарбиялайди. Ушбу заковат ўйинларида «Чипон» гуруҳи галаба қозонди.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

Ўтган асрда Туркистон минтақаси равнақида салмоқли ҳисса қўшган, бугунги кунда фахрий ҳордиқдаги биз каби барча меҳнат фахрийлари учун “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси ўзига хос мўътабар минбар, хайрли ишларга ундовчи даврий нашрдир.

Шахсан ўзим 10 нусха газетига доимий ташкилотчи ҳомийман. Вилоятимиздаги барча шаҳар, туманларда истиқомат қилаётган юртдошларимизни она тилимиз ва давлатимиз сиёсатида эҳтиром сифатида “Жанубий Қозоғистон” газетасига обуна бўлишга чақирман.

Падари бузрукворим Фахриддин Умаров ўз даврининг фаол зиёли вакили, жамоа хўжалигида партия ташкилотининг котиби бўлган, волидаи муҳтарамамиз Шамши ая билан қобил фарзандлар – Обиддин, Оловиддин, Рисолат, Тожиддинларни тарбиялаб, неваралар саралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди.

Мен 1940 йили 9 майда собиқ Чўбоноқ қишлоғида туғилдим. Кириб келаётган 2025 йил Буюк Ғалабадан 80 йиллиги сифатида ҳам ардоқли. Умр йўлдошим Райҳон Отабой қизи Саврон туманининг Қорачиқ қишлоғидан, унинг волидаи муҳтарамаси Ашэ ая 105 йил умргузаронлик қилган.

Янгиқонлик фахрий оқсоқол Бобожон Ёкубовнинг рафиқаси Ҳузурхо Бобожон қизи ва умр йўлдошим Райҳон Отабой қизи бир синфда ўқишган. Утган шонли кунларни шукрона ила ёд этиб, ёшларга саодат тилаймиз. Шукурбек ўғлим ва келиним Ҳаёт Ҳалил қизи қишлоғимиздаги М. Ауезов номи мактабда ўқитувчи. Оилавий кен-

ЎТАЁТГАН ЙИЛДАН МАМНУНМИЗ



гашда ўзаро маслаҳатлашиб, ўтган йили ҳовлимиз тўрида янги, замонавий уй қурилишини бошлаган эдик. Деворлар тикланиб, уй томи ёпилди. “Жанубий Қозоғистон” газетаси саҳифаларида таниқли тадбиркор, молия соҳасининг моҳир мутахассиси Асадбек Қўлметов бунёд этган “BEK GROUP” корхонасининг сифатли маҳсулотлари, хусусан, янги уйлар учун замонавий алюминий ва пластикдан тайёрланган сифатли эшик-дерира ромлари хусусидаги мақолаларни диққат билан ўқийман.

Қадрдон Туркистонда шундай алл корхонани бунёд этган бу тадбиркорга омад ва зафар тилайман. Насиб этса, янги уйимизга А. Қўлметов барпо этган, Қозоғистон-Ўзбекистон қўшма корхонаси “BEK GROUP”да ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотларни харид қилиш ниятидаммиз.

Кўхна ва навқирон Туркистон шаҳрига махсус мақом берилиши тўғрисидаги қонун ҚР Парламенти Мажлисида қабул қилинганлигини газетада ўқиб, қалбим чексиз қувончга тўлди. Шу савобли ишга ташаббускор бўлган муҳтарам Президентимиз Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаевга, вилоятимиз ҳокими Дархан Сатибалдиулига самимий миннатдорчилик билдираман. Ўтаётган йилдан мамнунмиз, келаётган йилдан умидимиз мўл.

Обиддин **ФАХРИДДИНОВ**, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси.

Тасвирда: Обиддин Фахриддинов умр йўлдоши Райҳон Отабой қизи ва невараси Дийёрбек Шукур ўғли билан.

Ш. МАДАЛИЕВ суратга олган.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

ҚАДРДОН ЗАМИН РАВНАҚИГА БАХШИДА УМР ЎҚИ ТАЖРИБАЛИ ИҚТИСОДЧИ-МОЛИЯЧИ РАҲМОНЖОН МАДИХОН ЎҒЛИ ТАВАЛЛУДИГА – 63 ЙИЛ

Эски Иқон қишлоғи, қолаверса, Саврон тумани ва минтақамиз равнақида билими, тажрибаси, фидойи меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол обуначимиз, иқтисодчи-молиячи Раҳмонжон Мавлонов 63 ёшга тўлди.

Мақоламиз қаҳрамони 1961 йили 19 декабрда қишлоқдаги зиёли оила – Мадихон ота ва Сафура ая хонадонидан дунёга келди. Чақалоққа яхши ниятлар билан Раҳмонжон деб исм қўйишди. Ўрта мактабни аълога тамомлаб, 1979-1983 йиллар оралиғида Тошкент халқ хўжалиги институтида ҳисобчи-иқтисодчи ихтисослиги бўйича таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини қишлоқдаги донгдор пахтачилик давлат



хўжалигида бошлаб, Совет Армияси сафидаги йигитлик бурчини Россияда ўтади. Институтдан сўнг Иқон қишлоғидаги Эркин Аббосов раҳбарлик қилган донгдор пахтачилик давлат хўжалиғида иқтисодчи, бош иқтисодчи, “Халқобод” ИЧШ да бош ҳисобчи, “Мақсад” ИЧШ бошқарув раиси бўлиб меҳнат қилди.

ташкilotда насия бўлими бошлиғи лавозимида самарали меҳнат қилди. 2006 йилдан мазкур молия ташкilotи раҳбари сифатида самарали фаолият юритди. “Туркистон-несие” шу йиллар давомида Р. Мавлоновнинг изчил раҳбарлиги ҳамда жамоанинг ҳамжиҳат меҳнати шарофати билан вилоят миқёсида етакчи насия ташкilotига айланди. Собиқ Туркистон, ҳозирги Саврон тумани ҳамда Туркистон, Кентов шаҳридаги жуда кўп оилалар ушбу биродарликнинг фаолияти натижасида тадбиркорлик билан шуғулланиб, янги иш уринларини яратишди, моддий фаровонликка эришди. Эски Иқондаги ушбу биродарлик эришилган юксак кўрсаткичлари натижасида республикада “Энг пешқадам насия биродарлиги” номинациясида ғолиб бўлганлиги фикримизнинг далилидир.



2003 йили фидойи ҳамқишлоғи Бўстон Камоловнинг кўп йиллик саъй-ҳаракатлари натижасида Эски Иқонда “Туркистон-несие” МЧБда фаолиятини бошлади. Р. Мавлонов ушбу янги тадбиркорликни ривожлантириб, янги иш уринларини яратиши мақсад тутган молиявий насиясидан кўпчиликини баҳраманд этишдек масъулиятли вазифани зиммасига олган

Раҳмонжон Мадихон ўғлининг самарали меҳнати ҚР Президентини фармони билан таъсис этилган “ҚР Мустақиллиғига – 25 йил”, “Фидокорона меҳнати учун”, “Ўлт макташыншы” медаллари, “Халқ эҳтиромини” ордени, “Жамоат фидойиси” кўкрак нишони ҳамда вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг кўп оилалар ташаккурнома лари билан тақдирланган. Халқимизда “Бир киши ариқ қазиса, юз киши сув ичади”, деган ҳикматли нақл бор. Марҳум Бўстон Камолов асос солган “Туркистон-несие” ташкilotи шарофати билан жуда кўп оилалар моддий фаровонликка эришди. Шу савобли ишга камарбаста бўлган Р. Мавлоновга, у бошқараётган аҳил жамоага янги зафарлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: Р. Мавлонов; Р. Мавлонов волидаи муҳтарамаси Сафура Рауф қизи ҳамда умр йўлдоши Маҳбуба Мавлонова билан; Р. Мавлонов устоз ҳамкасби Б. Камолов билан.

>>> Маданий сиёсат концепцияси – 2023-2029

САЙРАМ – ТУРКИСТОН ТАРИХИДА

Миллий ўзликни англаш, уни мустақамлаш жуда муҳим. Кўп асрлик тарихимиз – миллий ғуруримиз, халқимиз маданий кодининг аҳамиятга молик таркибий қисми. Шу боис, уни ҳар томонлама ўрганиш, англаш ва оммалаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлатнинг устувор вазифаларидан биридир.

Қасим-Жўмарт ТўқАЕВ.
Туркистонда ўтказилган Миллий Қурултойнинг
иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқидан.



Сўхбатдошимиз – Бахтиёр Исабеков 1945 йили Туркистон вилоятининг Султонраб-бот қишлоғида туғилган. 1961 йили ўрта мактабни кумуш медаль билан, 1966 йилда эса Низомиёв номидаги Тошкент Педагогика институтини қизил диплом билан тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида бошлаган. 1968-1993 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)да ўқитувчи, доцент лавозимларида фаолият юртган. 1973 йил “Ўзбек тилида лексик антонимия” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1993 йилдан дастлаб турли нашриёт ва газета тахририятларида, кейинчалик Шимкентдаги “Қозоқ-ўзбек университети” ва Шимкент педагогика университетида профессор лавозимларида фаолият кўрсатган. У Маҳмуд Қошғарий номидаги халқаро муюфот соғвирдор.

Б. Исабеков «Сайрам», «Яссавий насабномаси ва Амир Темури» «Ўзбек тили» Қозоғистон Республикаси умумтаълим мактабларининг 10- ва 11-синфлари учун дарслик, «Султонраб», «Туркологияга кириш», «Қизиқarli она тили», «Яссавий ҳикматлари лугати» китоблари ва бошқа ўнлаб дарслик, ўқув қўлланма, лугат ва монографиялар муаллифи.

Л. Гумилевнинг «Қадимги турклар», Ўлжас Сулейменовнинг «Аз и Я», Боймурза Ҳайитнинг «Туркистон Россия ва Хитой ораллигиде» китобларини ўзбек тилига таржима қилган. Ушбу китоблар тақдими яқунланаётган йилда Туркистон шахридаги «ФАРАБ» илмий-оммабоп кутубхонасида ўтди.

Қўйида олимнинг вилоятимиз тарихига бағишланган мақоласини музъий қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола қиламиз.

САЙРАМ

Бололигимиздан Сайрам тарихи ёзилган китоб бор, деб кўп эшитардик ва уни ўқишга орзуманд эдик. Тақдир тақозоси билан тарих илмига озми-кўпми дохил бўлган, Сайрам ва унинг атрофи ҳақида бирор китобда бирор сатр учратсак, эътибордан соқит қилмадик. Аммо тўлиқ Сайрам тарихига бағишланган илмий асарни кўришга муюссар бўла олмадик. Халқ томонидан афсона, ривоят тариқасида оғиздан-оғизга ўтиб юрвчи хабарларнинг йўли ўзга, қиммати бошқа. Манбаларга таянган, илмга суянган тарихий лавҳанинг қадри ўзгача.

Дунёда шахарлар кўп, улар тарихи ҳақида маълумотлар, ривоятлар ҳам кўп. Аммо, бизнингча, Сайрам тарихи каби афсоналар билан қоришиб кетган шахар унча кўп эмас. Бу шахар номи ярим афсонавий Ўғузхон тарихида ҳам тилга олиниши фикримиз исботидир: «Ўғузхон тамом Мўғул ва Тотор элининг лашкарини жам қилиб, Талаш (Талас) ва Сайрамга келди». «Ўғузхон - (Б.И.) ... боши Сарём ва оёқи Мисргача олган вилоятларнинг барчасина ҳокимлар кўюб қайтиб ўз юртина тушти» (Абулғозий, Шажарани турк, Т., 1992, 22-23-бетлар). Шунинг учун ҳам бу шахар ва атрофи тарихини афсона ва ривоятлардан холи тасаввур қилиш, ерли халқнинг ўз ўтмиши, ота-боболари тарихини билиши ҳар қачондиган ҳам ҳозир зарурлиги намоён бўлмоқда. Сайрамнинг 2000 йиллик тарихини, унинг барча даврларини аниқ маълумотлар асосида ёритишга даъвогар эмасмиз, албатта. Бу насиб қилса, келажак ажодларимиз зиммасида. Бу лавҳада биз кўпроқ, ўрус тарих илми ютқларига, ҳусусан, дунё эътирофи сазовор бўлган, машҳур тарихчи олим, академик В. В. Бартольд қарашларига суянган ҳолда иш кўрдик.

Биз Сайрам тарихини онгли равишда атайлаб

1758 йилгача баён қилдикки, айнан ўша даврларгача афсонани ҳақиқатдан ажратиш қийин. Яна бир бор таъкидлаймизки, бу Сайрамнинг тарихини ёритишда навбатдаги бир уриниш, холос.

Сайрам ўз атрофидаги кентлар билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан келиб чиқиб, улардан қайси бири ҳақида бизда тарихий маълумотлар бўлса келтиришга – уларнинг ҳам тарихидан лавҳаларни баён қилишга жазм этдик.

Ўқувчида табиий савол туғилади: яқиндагина ўлкамизнинг жонкуяри, журналист Мираҳмад Мирхондор ўғли томонидан битилган «Сайрам тарихи» асаридан ушбу иш нимаси билан фарқ қилади? Биринчидан, Сайрам тарихини бир марта ёзиб, охирига етказиб, энди ноаниқ нарса қолмади, дейиш гаёрилмайди. Иккинчидан, биз ҳурматли Мираҳмад Мирхондор ўғли келтирган ва изоҳлаган анчагина маълумотларга, жумладан, аввал Сайрам, кейин Исфижоб, кейин яна Сайрам деб номланишига, «Авесто»даги Сайрим Сайрам эканлигига, Исқандар Зулқарнайн Хўжанддан шарққа ўтганлигига, Хоразмшоҳлар Сайрам – Исфижобни вайрон қилганлиги ва ҳоказоларга қўшила олмадик. Бошқа илмий ихтилофларни ушбу рисолада ўқиш давомида ўзингиз кузатиш имконига эгасиз. Учинчидан, ушбу рисола тарихийгина эмас, балки этнологик-вистик иш бўлиб, маълум даражада Мираҳмад Мирхондор ўғлининг «Сайрам тарихи» асаридан олинган маълумотни тўлдириш учун ҳам ёрдам беради. Шунинг учун биз мазкур асарда келтирилган фактларни имкони борича четлаб ўтиб, янги маълумотлар келтиришга ҳаракат қилдик.


САЙРАМНИНГ БОШИДАН ЎТГАН МОЖАРОЛАР

Ҳозирги Сайрам кенти Шош ва Исфижоб вилоятларидаги энг қадимги маданий марказлардан биридир. Шаҳар тахминан XI асрдан бошлаб Сайрам номини ола бошлади. Уни «Сарём» шакли дастлабки бўлиб, «Сайрам» «Сарём» сўзининг ўзгаришидан вужудга келган дегувчилар янглиш тарзда форсча САР ва ЁМ сўзлари қўшилишидан ҳосил бўлган дейдилар. Бу фикр илмий жиҳатдан қаралганда, тўғри эмас. Лекин бу янглиш фикрнинг кенг тарқалишига сабаб бор. То Тошкент шахри юксалиб, йирик шахарга айлангунга қадар, Шош, Илоқ, Исфижоб, Еттисув вилоятларида Сайрамдан кўра каттароқ, йирикроқ шахар бўлган эмас. Сайрамнинг бу биринчилиги то мўғул истилосига қадар давом этди (XIII аср). Теварак-атрофидаги жуда кўп шахар ва қишлоқлар Сайрам билан чамбарчас боғлиқ бўлган ёки унинг таъсирида вужудга келган. Сомониёлар даврида Талас(Тироз)гача бўлган ерлар (Талас ҳам) Исфижоб ўлкаси ҳисобланарди (В. В. Бартольд, Сочинения, II. част I, М., 1963, 241-6). Араб тарихчиларидан Мақсидий (X аср), ҳатто Қорахонийлар сулоласи маркази ҳисобланган Баласоғун шахрини ҳам Асбжоб шахрига боғлиқ шахарлар сирасига киритади. Натijaда, Сарём – бош шахар, асосий шахар деган тушунча халқ онига, кейинроқ зиёлилар фикрида тобора мустақам ўрин ола бошлади. Ҳатто буюқ олим шоирларимиз ҳам ўз нисбаларини Сарёмий дейиши, бу нотўғри фикрнинг онгимизга янада чуқурроқ сингишига олиб келди. Хўш, нима асосида Сарём шакли илмий жиҳатдан нотўғри деймиз?

Биринчидан, юқориде айтганимиздек, Сарём – форсий сўз, Сайрамнинг аҳолиси ҳеч қачон форс тилида сўзлашган эмас.

Иккинчидан, Сарём деган сўз мазмунинда шахарларнинг боши деган маъно борки, бу ҳам мантқиққа, ҳам тарихга мос эмас. Дунёда Сайрамдан олдин пайдо бўлган ва унга нисбатан йирик шахарлар кўп бўлган.

Сайрам шахри то XI асргача Испижоб, Исфижоб, Аспижоб, баъзан арабча Мадинаул-Байзо, ҳатто Ўрунқент номи билан тарихий асарларда қайд қилинган. Ушбу номлардан Ўрунқент Сайрам шахрига дахли масаласи ҳали тарих илмида узил-кесил ҳал қилинмаган. Ўрунқент Сайрамга яқин бошқа бир шахарнинг номи бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мадинаул-Байзо эса мазкур шахарнинг арабча номланишидир. Мадинаул-Байзони деярли барча манбаларда «Оқ шахар» деган маънони ифода этади, деб тушунтирилади. Бу маъно эса Сайрамнинг бизга маълум бўлган энг эски – қадимий номи Испиджобнинг тўғридан-тўғри араб тилига таржимаси натижасидир. Испижоб, Аспижоб номи сўғудча сўздр. Исфижоб шакли эса унинг араблашган, форслашган талаффузидан пайдо бўлган. Сўғуд тилида исбет, асбет, сбет, сўзи «оқ» маъносини ифода этади. Форс тилида эса «оқ» маъносини ифода этувчи сўз «сафид» шаклига эга. Сўғуд тили эроний тиллардан ҳисобланса ҳам, у форстожик тилидан кўп фарқ қилувчи тилдир. Бу тил ва унинг лаҳжалари (сақ, хоразмий, хўтансақ) ҳозирда, асосан, йўқ бўлиб кетган тиллар қаторига киради. Тилшунос В. А. Лившиц ёзишча, сўғуд



Средневековый Сайрам

тили дастлаб шахарларда, кейин қишлоқларда ўз ўрнини турк ва форс тилларига бўшатган, бу жараён мўғул истилосига қадар давом этган (Бахтимизга, сўғуд тили мутлақо йўқолиб кетмай, ҳозир Зарафшон дарёсининг юқори ҳавзасидаги Яғноб қишлоғи аҳолисининг она тили ҳисобланади). Асбет сўғуд сўзи «оқ» маъносининг кўчиши асосида «қор» тушунчасини ҳам ифода этган. Бундай маъно кўчиши фақат сўғуд тилигагина хос бўлмай, бу ҳодиса турксўғуд тил иттифоқига ҳам хосдир. Туркий тилда ҳам Оқсув – қордан бошланувчи сой, Қорасув – булоқдан бошланувчи сой маъносига эга. Сўғуд тилидаги асбжоб – форс ва араб тарихий ҳамда бадий асарларида «тўғрилиб» Исфижоб шаклида кенг тарқалди. Бу бизнинг давримизда Туркистон – «Туркестан», Темурланг – «Тамерлановка», Чимкент – «Шимкент» тарзида хўқрон тил талаффузи ва ёзувиға мослаштирилгани каби.

Асбетжоб, демак, «асбет» ва «чоб» ёки «жоб» сўғуд сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. «Чоб» ва «жоб» – «чой» сўзи сўғуд тили (хоразм лаҳжасида й о п) лаҳжаларида «сув» маъносини ифода этган. Ўзбек туркий тилидаги сой сўзи ўша сўғуд тилидаги «чой» – сув сўзининг бир шаклидир. Бундан ташқари тилимиздаги човғум – чойғум, чойдиш, чайқа – сўзларнинг биринчи қисмидаги чов-, чой- сўзлари ҳам ўша ўзакка алоқадордир. Хуллас, Асбетжоб сўғуд сўзи бўлиб «Оқсув» маъносини ифода этади (Асбет сўзи билан ўзакдош атоқли отлардан бири сўғуд ватанпарвари Спитамен – Оқ одам, инсон; эҳтимол ҳозирги кўриниши Оқбой бўлган бўлармиди – исмида ҳам сақланган кўринади).

Тахминан XI асрдан шахар Асбетжоб билан бир вақтда Сайрам ҳам деб атала бошлади. Сайрам деб номланиш билан шахарнинг сўғудча аталишидаги маъно, асосан, сақланиб қолиши кузатилади. Асли сайрам сўзи ҳам турксўғуд сўзи бўлиб, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит турк» асариде қайд қилинишича, «оқ тошли сой» тушунчасини ифода этади. Бу қайта номланишда ижтимоий, табиий ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этган кўринади. X-XI асрларга келиб Бодомнинг энг серсув йирик ирмоғи ҳисобланган ҳозирги Сайрамсувда сув тортилади. Бундан сайрамсувнинг ҳозирги ўзани ҳам кўрсатиб турибди. Иккинчидан, сўғориш иншоотларининг кўплаб қурилиши, аҳолининг кўпайиши, деҳқончиликнинг ривожланиши ҳам бу сой сувининг ўзани бўйлаб оқиши камайишига таъсир кўрсатади. Тарихий асарларда Сомониёлар ва кейинроқ Қорахонийлар даврида Исфижоб вилоятида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тез суръатлар билан ривожланганлиги қайд қилинади. Айниқса, кўчманчиларга энг яқин жойлашган бу ҳавзада деҳқончиликнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллар кўп эди.

Асбетжоб Сайрам деб ўзгариши билан унинг ифодасида кескин ўзгариш бўлмаганлиги ҳамда туркий қатламнинг тил жиҳатидан бу ерда устун келиши, туркий талаффуз учун оғирроқ ҳисобланган Асбетжобни «Сайрам»га ўзгаришида кам рол ўйнамаган. Сайрам сўзи билан ўзакдош бўлган сўзни Тожикистондаги Сайроб сувининг номида кўриш мумкин. Нима бўлганда ҳам Асбетжоб ҳам, Сайрам ҳам сой-дарё номининг ўша сой-дарё бўйидаги шахарга ўтиши деб қабул қилиниши керак: олдин табиий ҳодисага – дарёга ном берилди, кейин ўшанинг маҳсули ҳисобланган ижтимоий ҳодиса – шахарга унинг номи ўтказилади. Бу дунё шахар ва қишлоқларининг аталишида энг кенг тарқалган ҳодиса. Сайрам кенти Мовароуннаҳрдиге (бу сўзни икки дарё ораллиги, деб нотўғри талкин қиладилар, мовароуннаҳр – дарёнинг нариги томони Амударёнинг нариги томони дегани) энг қадимий маданий марказлардан биридир. Қадимий ва Ўрта аср Турон тарихи Сайрам тарихисиз тўлиқ бўла олмаган бўлур эди. Сайрам географик ва иқлимий маданий марказга қулай жойда ўрнашган. Унинг деҳқончилик ва чорвачилик маданияти тўқнашган жойда бўлиши, ерининг унумдорлиги – Сайрам ҳавзаси ерининг қора-кўнги тропрокли, унумдорлиги Ўрта Осиё минтақасида ноёб учрайдиган ҳолдир. Сўғорма деҳқончиликнинг энг муҳим омилли – сув бу ҳавзада мўлғлиги билан ажралаб туради. Шунинг учун ҳам бу ҳавза сўғорма деҳқончиликнинг Турондаги энг қадимий ўчоқларидан бири бўлса, ажаб эмас.

Тарихий манбаларга суянган ҳолда, айтиш мумкинки, Сайрам дастлаб шахар сифатида Ку-


шан давлати замонида шаклланган. Бу Сайрам худудида Кушан давригача аҳоли кентлари мавжуд бўлмаган, деган фикрдан йироқ. Аммо йирик маданий марказ – шахар сифатида фақат Кушан даврида шаклланганининг ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўналишини кузатиш натижасида аниқлаш мумкин. Ашёвий далил сифатида эса, бизнинг даврда Сайрамда кашф қилинган будда ва оташпарастлик ибодатхоналарини кўрсатиш мумкин. Афсуски, бизга номаълум сабабларга кўра, бу археологик обидаларни очиш ва ўрганиш ишлари тўхтатилиб қўйилган. Бу обидаларни авайлаб ўрганиш Сайрам тарихининг энг муҳим ва энг зарур даврига хос маълумотларимизни кенгайтириш учунгина хизмат қилмай, балки Туронда будда ва зардуштийлик динлари тарқалиши, унинг Турон маданияти тарихида тутган ўрнини белгилашда жуда катта омил бўлар эди. Кушан давлати Туронда шаклланган (эрэмизнинг I-IV асрлари) дастлабки қудратли, жаҳон миқёсидаги йирик марказлашган турксўғуд давлатидир. Турклар ва сўғудларнинг бу давлати даврида сўғорма деҳқончилик, сув иншоотлари қурилиши академик Яҳё Ғуломов айтганларидек, ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди, ҳатто буюқ Амир Темури давлати даврида ўша даражага ета олмаган эди. Турклар (тарихий манбаларда оқ хунлар, эфталитлар деб ҳам номланади) ва сўғудлар (сақ, хоразм, тохар каби лаҳжа вакиллари билан бирга) вужудга келтирган Кушан давлати дастлаб Сайрам ҳавзасини ҳам ўз ичига олган худудда пайдо бўлди. Марказлашган давлат шариоатида қишлоқларнинг кенгайиши ва шахарга айлиниши учун қулай вазият вужудга келади. Милоддан аввал II асрда Хитойдан Олд Осиёга очилган Буюқ Ипак йўли Асбетжоб устидан ўтиши бунда катта рол ўйнаган. Бизнингча, Асбетжоб милоднинг биринчи асрида худди шундай шариоатда шахарга айланган бўлиши керак. Шаҳарнинг номи сой-дарёдан келиб чиқиши ҳам фикримизга далил бўла олади. Буюқ Ипак йўли Асбетжоб орқали ўтиши ва бу Ипак йўлидаги тижорат ишлари Хитойдан Византиягача, асосан, сўғудлар қўлида бўлганлиги ҳам Асбетжоб – сўғудтюрк шахри тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Асбетжоб Ипак йўлининг шундай нуқтасида эдики, бу нуқтада Узоқ Шарқ маданияти – Хитой маданияти, Яқин Шарқ – Византия, Эрон маданияти, Ҳинд маданияти устунлиги сезилиб турарди. Шунинг учун Асбетжоб мана шу уч буюқ маданиятни ўзида мужассам қилган десак, муволафа бўлмас.

Шундай имкониятга эга бўлган Асбетжоб шахри тезда бутун Туроннинг пойтахт шахарларидан бирига айлиниб қолмаслигининг сабаби, бизнингча, Кушануи хонадони истилочилиги сиёсатини бошлаб, салтанат марказини Бадахшон томон кўчириши билан изоҳланади. Бундан ташқари Асбетжобнинг қулай географик ўрни ҳам фақат шахар осойишта ривожига эмас, балки унинг талон-тарож қилинишига ҳам сабаб бўлган. Араблар истилосига қадар бутун Сўғудда давлат ичиде кичик давлатчалар мавжуд бўлиши – феодал тарқоқлик, ўша давлатчалар бошчилари – ихшид, шад ва беклар аслада марказий ҳокимиятдан мустақил иш тутиши ҳам йирик шахарлар вужудга келишига тўсқинлик қиларди. Кушан давлати инқирозидан кейин Асбетжоб Турк ҳокимликлари таркибидаги йирик шахарлардан бири бўлиб қолаверди. Кушан давлати давридаги шахар тузилиши: шахристон – марказ ва атрофи дебор билан ўралган аҳоли яшайдиган қисмдан иборат бўлганлигини Туроннинг бошқа шахарлари тузилишига қиёсан аниқлаш мумкин. Бу гаплар Асбетжоб шахри ҳақида. Айни пайтда Асбетжоб шахри айнан Сайрамнинг ўрнида эмас, балки унга яқин бир бошқа жойда мавжуд бўлган, деган фикр ҳам бор. Академик В. В. Бартольд у, яъни Асбетжоб тоғдан 7 фарсах масофада жойлашган деса, бошқа бир манбада у шахар тоғлар орасидан манзил топан деган фикрни ҳам келтиради. И. Массон ўрта асрлар тарихчиси Мақсидий фикрига суянган ҳолда ёзади: «Мақсидий ўша пайтда Ўрта Осиёнинг немусулмон ўлкалар билан чегара майдони ҳақида гапиради, бу чегара майдонининг маркази Исфижоб шахри бўлиб, ўша даврда «Оқ шахар» ва

«Сайрам» ҳам дейиларди. Исфижоб ҳозирги Сайрам қишлоғи ўрнида жойлашган бўлса ҳам XVI аср муаллифларидан бири уни Тошкент билан Сайрам ўртасида деб кўрсатади (И. Массон, Старый Сайрам, Изв. Средазкомстариса, вып. 3. 1928 й., 24-бет). Қандай бўлмасин, Асбетжоб шаҳри Сайрам билан ҳамбарчас боғлиқлигини эса ҳеч ким инкор қила олмайди. Агар Сайрам ва Асбетжоблар бошқа-бошқа шаҳарлар бўлганда ҳам, Асбетжоб табиий офат ёки бошқа сабаб билан хувиллаб қолган тақдирда ҳам унинг аҳолиси Сайрамга асос солганлигига шубҳа қилиб бўлмайди. Акс ҳолда барча тарихий манбалар ҳеч истисносиз Асбетжоб ва Сайрамни бир шаҳар деб тушуниши ва тушунтиришини изоҳлаш қийин бўлар эди (Олим Анорттой Йўлдошевнинг фикрича, Асбетжоб Манкент атрофида, Оқсув бўйида жойлашган Оқбой қишлоғи ўрнида бўлган, бизнингча, Султон-Работ қишлоғининг Илонбузган қисми ҳам шу шаҳар ўрнига даъвогар бўлиши мумкин). Агар ушбу фикр ривожлантирилса, Асбетжоб ҳозирги Оқбой қишлоғи ўрнида бўлган бўлса, унда араблар истилоси натижасида Сайрам қишлоғининг мавқеи кучайиб, Асбетжобнинг мавқеи тушган. Натижада, араблар ва форслар (босқинчилар) атрофда қадимдан машҳур бўлган шаҳар номини – Асбетжобни янгидан машҳур бўла бошлаган шаҳарга – Сайрамга берган бўлиши мумкин. Лекин бу бир илмий фараз, ҳолос. Ҳозирги тарих илмидаги ҳукмрон фикр Асбетжоб бу Сайрамдир.

728 йили араблар Асбетжоб шаҳрини истило қилиб, уни Араб халифалиги таркибига қўшиб олади. Асбетжобнинг араблар томонидан босиб олиниши бу шаҳар ва унинг атрофи тарихида алоҳида ўрин тутди. Асбетжоб араблар томонидан босиб олинган шимоли-шарқий суғуд шаҳарларидан эди. Албатта, Сайрам энг шарқий-шимолий суғуд шаҳри сифатида қаралиши нотўғри бўлар эди, тўғрироғи, у энг йirik шарқий-шимолий суғуд шаҳридир. Европалик Рубрук Еттисув бўйлаб юрар экан (1253 й.), Или дарёси бўйида форс тилида (суғуд демоқчи – Б. И.) гаплашувчи мусулмонлар шаҳри ҳақида гапириб, уни Equius деб номлайди. 1255 йили худди шу ердан ўтган

сифатида қаралганидан бўлса керак, бу ерда кўплаб работлар (дин учун кураш таянч нуқталари) қурилдигина эмас, балки Исфижоб ўлкаси турклар сулоласи томонидан бошқарилиб, турли солиқлар тўлашдан озод қилинди. X асрда энди Талас (Тараз) мусулмон дунёсининг чегараси эди. Ибн Хавкалда келтирилишича, Тарз мусулмонлар билан ғайримусулмон турклар ўртасидаги савдо ўрни бўлиб, мусулмонлар нундан нари ўтмас эди. X асрнинг биринчи ярмида Таласда сомониёллар салтанатига қарам алоҳида «деҳқон» борлиги ҳақида гапирилса, X аср иккинчи ярмида... Марки атрофида работ қурилганини биламиз (В. Бартольд, II, I, 241-242-б.). Мақсидийнинг таъкидлашича, Шошдан турклар томон пахта маҳсулотлари юборилгани, Фарғона ва Исфижобдан юбориладиган «оқ газлама» ҳам пахта маҳсулоти бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас (В. Бартольд, II, I, 443-б.). Демак, ўша давр тарихчилари дараклари асосида Асбетжоб йirik хунармандчилик шаҳри бўлганлигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Унинг аҳолиси ислом динини қабул қилиши билан бу шаҳар кўчманчи туркларга ислом динини ташвиқ ва тарғибот йўли билан тарқатувчи энг катта марказга айланди. Агар Қуръони Каримга суянадиган бўлсак, ислом дини қалб дини сифатида у қилич билан эмас, ақл-заковат билан ўз худудини кенгайтириши лозим. Қуръоннинг мана шу кўрсатмасига амал қилиш ислом дунёсида Асбетжобдагичалик яхши йўлга қўйилган эмас. Асбетжоблик ислом тасаввуфи вакиллари юз минглаб турк ва бошқа қавмларининг ихтиёрий равишда, ташвиқот йўли билан ислом динини қабул қилишига ҳадсиз ҳисса қўшдилар: «Турганч савдогарлари ислом ва мусулмон маданиятини Волга бўйигача тарқатдилар» (В. Бартольд, II т., ч. I, 124-б.). Бир томонда Хоразм ислом-тасаввуфчилари, иккинчи томонда Асбетжоб ислом-тасаввуфчилари Қозон, Аштархондан то Хитой – Чин чегараларигача бўлган худудда ислом динининг ақл йўли билан тарқатишига муяссар бўлдилар. Ислам оламининг энг йirik мутафаккирларидан Қози Байзовий, Қул Хожа Аҳмад Ясавийлар айнан Асбетжоб – Сайрамдан чиқиши тасодифий ҳол сифатида қарал-



нисбатан «тожиқ» шаклида қўлланила бошланди. Фақат IX аср, яъни 840 йилдагина сомониёллар сулоласининг асосчиси Нуҳ ибн Асад Асбетжобни босиб олиб, яна номига бўлса ҳам Араб халифалиги доирасига қайтаради. У шаҳарни яна қўлдан бой беришининг олдини олиб бутун Сайрам ҳавзасини (деҳқончилик учун яроқли ерларни) баланд ҳимоя девори билан ўрашга фармон беради.

Асбетжоб X асрда ислом динини қабул қилган (бунда асбетжоблик ислом миссионерларининг хизмати беқийс бўлган) Сотуқ Буграҳон бошчилигидаги туркларнинг қорлуқ-уйғур давлати бўлган қорахонийлар қўл остига ўтади. Қорахонийлардан Қодирхон Юсуф (вафоти 1031 й.) ўз қўл остида Шарқий Туркистон, Еттисув ўлкалари ҳамда Авлиёта ва Чимкент туманларини бирлаштирди ва марказлик вазифасини Қашғор ўтади. Унинг ўлимидан кейин Шарқий Туркистон ва Еттисув тўнғич ўғли Бугра тегин Сулаймон (Арслонхон) га, Талас ва Исфижоб Қодирхоннинг иккинчи ўғли Яган тегин Муҳаммад Буграҳонга ўтди.

Тўғул Қорахон Юсуф ва унинг укаси Буграҳон Хорун то 1074 йилгача Асфижобда қорахонийлар салтанатини давом эттириб, мана шу Буграҳон Хорун даврида (1074-1102) Юсуф Хос Хожининг «Қўтадғу билги» асари яратилди (В. Бартольд, II, I, 44-45-б.).

Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Қорахонийлар даврида бир марта 200000 ўтовли турклар, иккинчи марта (1043 й.) 10 000 ўтовли турклар ислом динини қабул қилган.

1128 йилдан қорахитойлар ҳужуми – босқини бошланди. Қорахонийлар ўрнига ғайридин қорахитойлар (тунгус-мўғуллар) ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо қорахитойлар Еттисув ва Фўлжа ўлкаларидан бошқа Турон ерларида қорахоний-қорлуқлар ҳукмронлигини мутлақо тугатмади. Қорахоний амалдорлар Еттисув ва Фўлжа вассал ҳолида келтирилади. «Қорахитойлар дин жиҳатдан яхлит уюшмаган эди, шунинг учун уларнинг турхонларини баъзилар христиан динида деса, баъзилар манихей дейди. Аммо бошқа бир ҳодиса мўҳим эди: ислом дини билан бир қаторда бошқа динлар ҳам қорахитойлар даврида сиёсий жиҳатдан тенг мавқега эга бўлди.

Сомониёллар, қорахонийлар ва салжўқийлар даврида Исфижоб ҳавзасида қадим шаҳарлар билан бирга янги шаҳарлар ҳам вужудга келади. Чунки «Исфижобда ... шимоли-шарқдан Чу воҳасининг Александр тизмаси бўйлаб йўллар туташади. Мана шу икки йўл атрофидаги ерларга Бухоронинг сомониёллар амирлари ҳукмрон бўлиб, улар бевосита Исфижоб ҳокимига бўйсунар, ҳоким эса амалда амирга ҳеч қандай солиқ тўла-

роқ муддатда Сайрам шаҳар мақомини тиклаш имконига эга бўла олмаётган бўлса, мўғул босқини натижасида, Сайрам бир қанча вақт давомида ўз нуфузини тиклай олмади. Мана шу даврдан бошлаб Сайрамдан унинг атрофида ва бошқа узоқ жойларга кўчиш бошланади. Мўғул империяси даврида Сайрам Чигатой улусининг Тошкент вилояти таркибидаги шаҳар сифатида намоён бўлади. Мўғул истилоси даврдан бошлаб Тошкентнинг шаҳар сифатида юксалиши кучаяди ва ушбу минтақада биринчилик то ҳанузгача унга насиб қилиб келмоқда. Аммо, Сайрам билан Тошкент аҳолиси аввалгидан зичроқ муносабатда бўлиши ҳам кузатилади. Сайрам ва бошқа шаҳарлар ҳамда шаҳар ҳаётининг таназзулини фақат мўғул истилосига боғлаш унчалик тўғри эмас. Бунга академик Бартольднинг қуйидаги чуқур илмий фикри ҳам далил бўлади: «...маданий таназзулнинг асосий сабаби мўғул босқини эмас эди... Ҳарбий тарафдан кейин шаҳарлар ва бутун вилоятлар жуда тез ўзини ўнглаб олдилар... аммо босқинчиларга қаршилиқ кўрсатмай, ўз шаҳарларини омон сақлаб қолган ерларда шаҳар ҳаёти бир неча ўн йил ичида издан чиқди. Еттисув, Сирдарёнинг шарқий вилоятлари мўғул истилосига қаршилиқ кўрсатмади ва ҳеч қандай талофат бермади... шунга қарамай, XIII асрнинг 50-йилларида, яъни мўғуллар келганидан уч ўн йиллик вақт ўтгач, бир неча шаҳарлар йўқ қилиниб, йилловлар ҳамми кенгайди. XIV асрда Или ва Чу водийсида шаҳарларда ҳаёт тўлиқ издан чиқди: XVI асрда улардан фақат харобаларгина қолди. Шаҳар ҳаётининг гуллаши учун кучли босқинчиларга нисбатан кўчманчиларнинг доимий қўшнилиги кўпроқ хавф туғдиради» (В. Бартольд, II, I, 257-258-б.).

Мўғул истилосига барҳам берилгач, Сайрам буюк Амир Темур тузган улуг Турон мамлақати шимоли-шарқидagi йirik маданий шаҳарлардан бири сифатида мавжудлигини давом эттирди. Бу даврда фақат Сайрам шаҳри эмас, балки бутун хавзада юксалиш юз берганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди: «XV аср бошларида Каласда деҳқончилик ривожланади, бу ерда Хожа Аҳрор отасининг экин майдонлари бор эди. Каласнинг жанубида Ота ариқнинг шаҳобчалари бўлганлиги ҳақида «Абдулланом»да ўқиб мумкин. Бу асарда Тошкент атрофидаги «машҳур» ерлар сифатида Шаробхона ҳам тилга олинади. Сайрам Амир Темур ва теурийлар давлатининг Хитой ва Дашти Қипчоқ билан сиёсий-иқтисодий алоқасида таянч шаҳар – нуқта вазифасини ўтади. Сайрамдан шимоли-шарқ теурийлар даврида Мўғулистон номи билан аталиб келинган. Мўғулистон тушунчаси у пайтда ҳозирги Мўғулистон давлати худудидан анча кенг бўлиб, Еттисув, Дашти Қипчоқ ҳамда (Шарқий Туркистондан ташқари) ҳозирги Хитойнинг бир қисмини қамраб олар эди. Соҳибқирон Амир Теурунинг лашқари Хитойга юриш учун Сайрам билан Ут-рор орасида тўплангани ҳам шу билан изоҳланади. Мўғулистоннинг бошқа чегараси, Жўжи улуси билан, яъни ўша пайтда Ўзбекистон деб номланган улус билан чегараси Балхаш – Кўкча денгизидир (1360 йиллар) (В. Бартольд, II, I, 80-б.).

Теурур ва теурийлар давлати Мўғулистон аҳолисини ҳақорат сўз билан – жете (қароқчи) дейишган, «Жете мамлақати» деган атама тарихийлик томонидан Мўғулистон маъносига қўлланган. Амир Теуру Мўғулистонга бир неча бор юриш қилди... 1375 йил бошида у Сайрамдан юриш бошлаб Чорингача етиб борди (В. Бартольд, II, I, 81-б.).

Теурур ва теурийлар даврида Сайрам ҳавзаси катта империянинг энг мўҳим марказий нуқталаридан, эътиборга лойиқ минтақалардан бири ҳисобланади. Амир Теуру ҳазрат Аҳмад Ясавий илми даҳосига катта эътибор беради. Ясси шаҳрида фақат ўз даврининг эмас, балки кейинги даврлар меъморчилигининг ҳам дурдоналаридан бири бўлиши шайх Аҳмад Ясавий мақбарасини қурдирди. Аҳмад Ясавийнинг халқ орасида бўруси шу қадар катта эдики, у ҳазратни инсонлар Туркистоннинг ҳазрати (ҳозирги турк илмида «Туркистон пири», «турк маънавиятининг отаси» деб баҳоланади) деб номлайдилар. «Ҳазрати Туркистон» бирикмасидан «Ҳазрат»нинг тушириб қолдирилиши натижасида, Ясси шаҳри номи ўрнида «Туркистон» атамаси кенг қўлланила бошлади. Ясси шаҳри Сайрам ҳавзаси аҳолиси тилида фақат «Туркистон» дебгина номланмай, Ҳазрат Аҳмад Ясавийнинг маънавий пир ҳисобланишдан келиб чиқиб, «Султоним» деб ҳам аталади. Бизнингча «Султон» сўзи бу атамада асл маъносини намоён қилиш имконига эга бўлган – қўриқтиш, қуч ҳисобига танана, бойликка султонлик қилиш эмас, балки ақл-идрок, дин-ишонч ҳисобига кишилар қўнгли салтанати, султонига айланганини ақс эттирган. XIV асрда қўллана бошланган Туркистон шаҳар атамаси ҳозирга келиб жой номи сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади.

(Давоми бор).



арман шоҳи Гайтон ушбу шаҳарни Илонбаліқ деб атайдی (Илон йирой – арьян ўзаро боғлиқ эканлигини қуйроқда ҳам кўрамиз).

«1259 йили Или ва Чу оралиғидаги манзара ҳақида ёзган Хитой элчиси Чан Дэ бу ерда жуда кўп харобаларни кўрадики, эҳтимол бу XIII асрда Еттисувда ўтрок маданиятини емирилиб, йўқолиб бориши жараёнини ақс эттирди. Маълумки, бу жараён фақат XIX асрда сарт ва ўруслар томонидан қайта тикланди» (В. В. Бартольд, II, I, 66-б.).

Тараз – Таласнинг арабча номланиши бўлиб, шу номдаги дарёда жойлашган, тахминан ҳозирги Авлиёта атрофида. Шаҳар исломгача пайдо бўлган суғуд шаҳридир. Ҳали XI асрда ҳам Таразда ва Боласоғунда суғудча ва туркча гаплашганлар. 630-йилларда Сюан Цзан Талас (Далос – хит)ни йirik савдо шаҳри сифатида тасвирлайди. Сомониёл Исмоил бинни Аҳмад томонидан 839 йили мартада босиб олингач, ислом дини тарқатилади: амир ва деҳқонлар бўйсунишга мажбур бўлдилар, асосий черков (калосойи бузур) мачитга айлантдирилди (В. Бартольд, II, I, 495-б.).

Рубрук ёзади: «Катта Талас дарёси бўйида Кинчат (Кенджек)дан шимолда яхши шаҳар бўлиб, у ерда форсча (суғудча – Б. И.) гаплашувчи саррачинлар яшайди».

Бундан кейинги ҳар қадамда жанговар турк қиличи ялангочланган ҳолда шай турарди. Араблар турк қиличи зарбини ҳали Хуросонни босиб олаётган давридаёқ ҳис қилган эди. Сурхон водийсида улар қорлуқлар қаршилигини енгганда, Самарқандни бир неча марта қўлдан бой берганида ҳам улар турк ва суғудларнинг уюшган кучлари қай даражада эканлигини ҳис қилган эдилар. Асбетжобдан нари ўтиш худди арабларнинг ўзи каби кўчманчи бўлган жанговар турклар уясига бош суқиш эканлигини кўрмаслик мумкин эмасди.

Поляк олим Заюнчковскийнинг фикрича, худди шу даврда «турк» сўзи араб ҳадисларига кириб боради ва ҳадисда гўё пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «атроқ» сўзини туркларга нисбатан қўллаб, унинг маъноси «улар сенга теғма, сен уларга теғма», деб изоҳланади.

Асбетжобни босиб олишда араб-форс қўшини катта талофот кўради. Бирлашган турксуғуд қўшинининг охириги форпости ҳам таслим бўлади. Аммо бу ғалаба араб-форс қўшини учун шунчалик қимматга тушадики, унинг яна олдинга силжиши учун мадори қолмайди. Араб қиличи Асбетжобда ғалабага эришди, аммо синди. Энди дунёни титратган бу қўшин ҳужумга эмас, ҳимояга ўтишга мажбур бўлди.

Асбетжоб араб ҳукмронлиги даврида жуда тез юксала бошлади. (X асрда) Чорва маҳсулотлари билан бирга кўчманчи турклар Шоша тери ҳам олиб келишган, яна ҳам шимолроқда жойлашган чегара шаҳри Исфижобда қўл бозори ҳам бор эди... Исфижобнинг газлама бозори ҳам машҳурдир».

Исфижоб ислом динини тарқатувчи вилоят

маслиги керак.

Биринчи турк ҳоконлиги Ўрта Осиёнинг барча ерларини ўз таркибига қўшиб олади. Мана шу даврдан эътиборан географик тушунча – Урта Осиё Туркистон номини олиш учун замин тайёрланади: «Турк кўчманчи империяси билан сосониёллар Эрон давлати орасидаги чегара Амударё ҳисобланиб, Амударё ортидаги ерлар эронлар учун Туркистон бўлиб қолди. Мана шу даврдан бошлаб турксуғуд этник ва тил иттифоқида «турк» номи билан аталиб, турк тили устун кела бошлади. Эрон тарихчи олимлари ва барча ёзувчилари ҳамда уларга эршган араб зиёлилари ҳам Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни Туркистон, аҳолисини эса турклар, деб аташ



рasm бўла бошлади. Эрон-Турон муносабати энди Эрон-Туркистон муносабати деб номлана бошлади.

Иккинчи турк ҳоконлигининг кучайиши ва туркларнинг янги оқими гарбга силжиши билан туркий қавмлардан қорлуқлар VIII асрда Асбетжобни араб халифалигидан қайтариб олишга муваффақ бўлдилар. Турк ҳоконлиги қўшини фақат Асбетжобни эмас, балки бутун Чоч вилоятини, ҳатто Дизак (Жиззах) яқинидаги Темир дарвозагача етиб бориб, ўша ердан ҳам ташқи, ҳам ички вазиятдан келиб чиқиб орқага қайтганлиги қадимги Ўрхун-Энлисий ёзма ёдгорликларидан ўз ифодасини топган. Ўрхун-Энлисий тошбитикларидан биз қадимги турклар арабларни «тазик» деб номлашини биламиз. Кейинроқ бу атама Туроннинг форс тилини қабул қилган аҳолисига

мас эди». Мақсидий Исфижобдан шимоли-шарқдаги ерларни тавсифлар экан, Саврондан кейин энг охирида Балаж ҳақида ёзади: «Кичик шаҳар, деворлари бузилган, жоме масжиди бозор ўртасида» (В. Бартольд, II, I, 548-б.). Улардан сўнг бир оз фурсат мўғул-тунгус қабилалари – ғайридиний сулола қорахитой турхонлари ҳукмронлик қилади. Ниҳоят, XII асрда Хоразмда мустақил давлат шакллантирган хоразмшоҳлардан Муҳаммад Отси Сайрамни ўз давлати таркибига қўшиб олади.

Мўғул босқинининг энг дастлабки даҳшатларидан бири Сайрам бошига тушди. 1216 йили Сайрамнинг бошига тушган бу мусибат тақдири 1862 йилги ўрус босқинидаги мусибат билан ўхшашлиги кишини ажаблантиради. Ўрус босқини натижасида то замонамизгача – 130 йилдан кўп-

Хотира – муқаддас

УСТОЗ ВА ШОИР

ЎКИ КИТОБ ЗАВҚИНИ ЎҚУВЧИЛАР ҚАЛБИГА ОЛИБ КИРГАН ТУРКИСТОНЛИК БОБОХОН АБДУРАИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 88 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



Собиқ Туркистон, ҳозирги Саврон туманининг Тошноқ қишлоғида 1936 йили дунёга келган Бобоҳон Абдураимов маориф соҳасида самарали меҳнат қилиб, назм оламида баррақали ижод қилган.

Ота-онасидан эрта етим қолиб, бувиси қўлида тарбияланган. Ўрта мактабдан сўнг Туркистондаги И. Алтинсарин номидаги педагогика билим юртини муваффақиятли тамомлаб, меҳнат фаолиятини устозлик соҳасида қадрдон Тошноқ, ҳозирги Бершентўбе қишлоғида бошлаган. 1967 йили Тошкент вилояти Янгийул туманига оиласи билан кўчи борди. Институтни сиртдан ўқиб тамомлади, математика ихтисослиги бўйича ўқитувчи, илмий мудар, директор бўлиб самарали меҳнат қилди. Қишлоқ кенгашига депутат этиб сайланган. Шеърлари Ўзбекистон ва Қозоғистон даврий нашрларида мунтазам чоп этилган. Китоблари ҳам нашр қилинган.

Ўз даврининг ватанпарвар зиёли вакили сифатида турли ёшдаги ўқувчиларга бағишланган кенг қамровли назм ва насрий асарларда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз

акс этган кўхна ривоят, афсона ва ҳикоятларда қозоқ ва ўзбек халқи дўстлиги, она юрт мадҳини тараннум этди.

2000 йили Тошкентдаги А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида муаллиф Бобоҳон Абдураимовнинг ўғиллари Улугбек, Фарҳод, қизлари Тўйғуной, Иқболой ҳамда куёвлари саъй-ҳаракати билан «Табаррук макон ёхуд Яссига сажда» номли китоби йирик нусхада чоп этилди. Бобоҳон Абдураимов ушбу китобини 2000 йили халқаро даражада нишонланган Туркистон шаҳрининг 1500 йиллик тўйига ўзига хос тухфа сифатида тартиқ қилган.

Шоир ва устоз Бобоҳон Абдураимов нафақага чиққач, қадрдон Туркистон диёрида умргузаронлик қилди. Ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача ижод олами ва шеърятга содиқ қолди. 2004 йили фонидан чин дунёга рихлат қилди. Унинг порлоқ хотираси Туркистон ва Тошкент вилоятларида ўзи таълим-тарбия

берган минглаб ёш авлод ҳамда ортида қолган ижодий меросида мангу барҳаётдир.

ҚР Президенти Қ. Тўқаев ташаббуси билан Туркистон шаҳрига махсус мақом берилиши тўғрисида қонун қабул қилинганлиги, шу орқали кенг жамоатчи-



лик, хусусан, Туркистон заминининг маърифатпарвар шоир фарзанди Бобоҳон Абдураимовнинг кўп йиллик орзулари ҳам рўёбга ошганлигини ифтихор билан қайд этамиз.

Ўзбекистонлик таниқли адиб Сафар Барноев «Табаррук макон ёхуд Яссига сажда» китобига ёзган муқаддимасида:

«Бобоҳон Абдураимов деган биродаримиз Туркистонда тугилиб, бутун педагогик фаолиятини Ўзбекистонда ўтказган инсон. У зоқ йиллар Занги ота тумани мактабларида ўқитувчи, илмий мудар, директор вазифасида хизмат қилди. Ихтисоси бўйича математик бўлган Бобоҳон ака

сиртдан ўқиб, филолог дипломини ҳам олди. Бунинг бош сири адабиётга ихлосидан. Ёзган шеър муқоалари вилоят, республика газета-журналларида чоп этилди. Жуда кўп шоир ўзувчилар билан танишди. Ўзи ишлаб турган мактабда, турли маросимларда улар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказди. Мухими, китоб завқини жамоаси, ўқувчилари қалбига олиб кирди. Ёзганлари «Адашбой», «Юлдузча», «Қирқ оёқ ва қирқ пайпоқ» тўпламларидан ўрин олди. Туркистон шаҳрининг 1500 йиллик тўйи муносабати билан Бобоҳон Абдураимов кўлингиздаги китобни битди. Мен ушбу достоннинг мазмуни ҳақида сўзлаб ўтирмайман. Унда ривоят, афсона, ҳикоятлар гўж-гўж. Шеърий шакллар турлича. Достонда қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлигига алоҳида эътибор қаратилган. Асосийси, ота юрт мадҳи билан меҳмонларни таништириш. Асарда бўртиб турган яна бир хусусият – акамиз ўз шеваю лаҳжасидан ўрнида фойдаланган. Оҳанги билан ўқисангиз, у ҳисни туясиз. Тўйга ўз ҳадыси билан келган ижодкорга омад тилайман», деб холис фикрини изҳор этган.

Кўйида Б. Абдураимовнинг «Табаррук макон ёхуд Яссига сажда» достонидан парчаларини эътиборларингизга ҳавола қиламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Бобоҳон Абдураимов; муаллифнинг китоблари.

*Туркиликда Хожа Аҳмад Туркистонга бош эрди,
Дорилмон замон эрди, ёвлашганга мураса.
Етим, есир мазлумларга насиба ҳам ош эрди,
Одоб, ахлоққа бошлаган Тангри номидан роса.
Дахрий, золим юзлашолмас валий эрди у якка,
Иймон, инсоф қарор топган, тугалмас қувват ислом,
Жаннат тилаб, омад сўраб зорин этган фалакка,
Илтижоси Ҳаққа этган, Ҳақдан келган буюк ном.
Кароматли Хожа Аҳмад дуосин тинлар дўстлар,
Нурли шавкатли бобом шони дондор Туркистон.
Келажакда не кечарин у айтган, онланг дўстлар,
Буғунги истиқлолда ҳам ҳиссаси бор Туркистон.*

*Ўз йил умр кўрганда ҳам гар қолмаса ном-нишон,
Ҳаётин қадру-қийматин онглаб етмапти одам.
Қулдек ишлаб, роҳат кўрмай, ёғсиз еган бурда нон,
Юқмас экан, азоб экан, келтирармиш алам, ғам.
Асрлар асрори пинҳон қолса гар олам хароб,
Инсон ўтмишин билмаса йўқ номи, маҳқум миллат.
Билмоқ, кўрмоқ иймондандир, насиҳат, ибрат сероб,
Ростин билмай шиддат қайда, ғурур қайда, ҳам ҳурмат.
Мулоқотда юрган тиллар, кимни тили, қай забон,
Фақат тарихларда қолар кимлигини, туққан эллинг.
Минглаб йиллар турган ҳайкал, буюк обидалар шон,
Ким кўйган, қандай қурилган, наҳида кимнинг қўли.*

*Одиллик ҳам, очкўзлик ҳам ўтган, ўтар дунёда,
Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам навбатлашиб тураркан.
Ким тинитган, ким лойқатган сувлар оқар дарёда,
Яхшиларни боғлар бунёд, ёмон шўр сув қуяркан.
Ҳаёт ўхшар йил фаслига, офтоб чиқса хушнуд дил,
Афсус элтар қаҳратон қиш, кутмагинин ҳоли танг.
Борига этсанг қаноят, олам гулистондир абад.
Биргина нафсин ўйлаган, оқибат барбод топар,
Ёвуз ният, қиргин-барод – ювилмас қондир абад.
Осий банда тугулса гар, келар офат, кулфат дер.
Қозоғистон давлатида иймон аҳли кўз тутган,
Маърифий марказга лойиқ, туркий насаб Туркистон.
Эгизакдир қозоқ, ўзбек, минг йиллик қуда-анда,
Якдилликда, тотувликда якка одоб Туркистон.
Истиқлоли, дорилмон замон болқир ҳозирда,
Қўлин чўзган қон-қариндош, дилдан қутлаб Туркистон.
Бир девонга сигмас асло, она юрт хислатларинг,
Кўйга солдим дил нидосин бурчим онглаб, Туркистон.
Яссавийдек бобом руҳи қўллаб турса сўзимни,
Бобоҳон дер, ашъор битким минг варақлаб, Туркистон.*

Бобоҳон АБДУРАИМОВ.

Янги Қозоғистон бунёдкорлари

БОЛАЛАР ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Тулкибош туманида болалар ўртасида спортга қизиқувчи ёшлар сафи кенгаймоқда. Мактабдаги ўқишларидан ташқари вақтини унумли фойдаланиб, турли спорт машғулоти билан шуғулланаётган мактаб ўқувчилари бу жабҳада яхши кўрсаткичларни ҳам қўлга киритиб улгуришди.

Бундай хайрли иш тадбиркорларнинг келажакка сарфлаётган сармоялари туфайли амалга ошмоқда. Озодлик қишлоғида истиқомат қилувчи тадбиркор Отамурод Бекпўлатов келажакимиз эгаларига катта спорт мактабини тухфа қилди. Уларнинг турли спорт машғулотлари билан бепул шуғулланишлари учун шароит яратиб берди. Бундан буён Озодлик ҳамда қўшни қишлоқлардан рақобатбардош ёшлар, спорт юлдузлари чиқиб, юртимиз фаҳрига айлиниши воқеликка айланмоқда.



фақат келажакимиз эгалари учун хизмат қилмоқда.

– Режалар ва ютуқларингиз билан ўртоқлашсангиз...

– Мақсадимиз – тўғарақлар аъзоларини мингтага етказиш. Фаолиятимизни яқинда бошлаганимизга қарамай, чемпионларимиз бор. 2012-2013 йилда таваллуд топган болалар ўртасида тарбияланувчиларимиз 3 марта чемпион бўлишди. Ҳозир болалар Алматида ўтаётган волейбол бўйича чемпионатда иштирок этишмоқда. Мана шу залларимизда волейбол бўйича Қозоғистон чемпионатини ўтказдик. Гимнастикадан қизларимиз турли беллашуварларда совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Фақат волейбол тўғрисида 160 нафар бола иштирок этса, гимнастикада 100дан ортиқ қизларимиз бор. Футбол залини очган эдик, футболга қизиқадиган ёшларимиз кўп экан, мураббийларимизнинг қўли-қўлига тегмайди. Авваллари қишлоғимиз болалари Т. Рискулов қишлоғидаги спорт мактабига тўғарақларда қатнашарди. Мана энди ўз қишлоғидаги шароитлар яратилган янги спорт мажмуасида спортнинг 8 тури бўйича машғулотларга қатнашишяпти. Қўшни қишлоқдаги болалар учун уларни олиб келадиган автобусларни йўлга қўйиш масаласини ҳал этаймиз.

– Сухбатингиз учун раҳмат. Фарзандларининг рақобатбардош бўлиши йўлида хизмат қилаётган юрт фарзандлари кўпаяверсин.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК



Қишлоқ мактаблари спорт лигаси республика турнирида иқонлик Оптиной Алгафорова (мураббий Зайниддин Зайнилов) шахматдан республика чемпиони бўлди. Муборакбод этами! Оптиной шахмат бўйича Эски Иқон қишлоғидан чиққан илк республика чемпиони.

Қишлоқ спорт лигасининг республика турнирида эскиқонлик Самир Раҳмоналиев (мураббий Хислат Мамметов) чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Ғалаба муборак!



Саид ХАЙРУЛЛОҚ.

САХАРНЫЙ ДИАБЕТ



Сахарный диабет возникает из-за нарушения функций поджелудочной железы или расстройства регуляции клеток, при котором даже достаточное образование инсулина не способствует уменьшению уровня сахара в крови.

К факторам риска заболевания врачи относят ожирение, патологии поджелудочной железы, низкую физическую активность, неблагоприятную наследственность и другие состояния. Сахарный диабет I типа обычно диагностируется у мужчин и женщин до 30 лет. Для пожилых людей, страдающих от ожирения, в большей степени характерен диабет II типа. В то же время разные типы расстройства могут возникнуть у пациентов любого возраста, поэтому не стоит ориентироваться только на факторы риска.

Эндокринолог изучает результаты диагностики и назначает соответствующее лечение. Основными задача-



ми являются снижение уровня глюкозы в крови, предотвращение развития осложнений и устранение неприятных симптомов. Помимо медикаментозной терапии эндокринолог обязательно назначает пациенту специальную диету, позволяющую контролировать содержание сахара в крови. Соблюдение всех рекомендаций врача дает возможность значительно улучшить качество жизни и избежать негативных последствий сахарного диабета.

Муборак САБИРОВА,
врач-эндокринолог ГП №12.



Озодлик қишлоғининг марказий кўчасида барпо этилган муҳташам «Спорт сервис Азаттық» спорт мажмуасининг директор ўринбосари Икром Отабоев. Яқинда у билан учрашиб, амалга оширилаётган ишлар ҳамда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашдик.

– «Даму бала» дастури доирасида хизмат кўрсатамиз, – дейди суҳбатда И. Отабоев. – 3та зал билан ишимизни бошладик. Даставвал 450 квадрат метрли залларимизда 200 нафар бола кураш, бокс, гимнастика, волейболдан машғулотларга қатнашди. Уларга бириктирилган мураббийларимиз бепул машғулот-

лар ўтказишмоқда. Айни кунларда эса 7та залимизни таъмирлаб, уни ёшларга тақдим этдик. Қўшни қишлоқлардан 600 нафар болалар турли спорт тўғарақларига қатнашишмоқда. Спортнинг 8 тури билан шуғулланаётган болаларнинг қўлга киритаётган ютуқларини қўриб, нафақат ота-оналар, ўзимиз ҳам хурсанд бўляпмиз. Ўқувчиларимиз бор эътиборини қўл телефонларидан орттириб, жисмоний машғулотларга қаратишмоқда. Бу ҳозирги кунда улкан маънавий ютуқдир. Бир машғулотимиз 1,5 соат давом этади. 10 нафар мураббий болаларга хизматда. 2,500 квадрат метрли залларимиз

ЯНГИ ВАЗИФАДА ОМАД ТИЛАЙМИЗ



Жамоат ишларида фаол Аббос Аҳмадшо Шомирзаевни кенг жамоатчилик яхши танийди. "Мурағер" тинчлик шартномаси ҳарбий кучларнинг фахрийлари жамоат бирлашмаси раисининг маслаҳатчиси А. Шомирзаев яқинда "Одил бийлар" жамоат бирлашмасининг шаҳар бўлими раисига маслаҳатчи этиб тайинланди. Республика "Одил бийлар" жамоат бирлашмаси тубебийи Серик Абенули А. Шомирзаевни кенг жамоатчиликка таништириб, хизмат гувоҳномасини топширди.

Хуршид ҚҶҶОРОВ.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

"ШИФА-БАЛ" ДҶКОНИ ОЧИЛДИ

ЁКИ АСАЛ – МИНГ КАСАЛНИНГ ДАВОСИ

Туркистон шаҳри марказидаги Расул Исетов номи 20-сонли умумтаълим мактаби олдиде тажрибали тадбиркор асалари-чи Зайниддин Убашовнинг саъй-ҳаракатлари билан янги йил арафасида "ШИФА-БАЛ" дўконининг очилиш маросими ўтди.



Вилоят "Атамекен" тадбиркорлар палатаси вакили Нурлибек Бўранбаев, фаол обуначиларимиз Муриддин Турсунметов, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида янги дўконнинг рамзий тасмаси қирқилди. Туркистондаги тўнгич асал дўкони ҳисобланадиган ушбу савдо нуқтаси пештахталарида маҳсулотнинг барча навлари, хусусан, маҳсус қадоқланган ян-

тоқли асали ҳам кўйилган. Бешикадаги чақалоқдан тортиб, мўътабар ёшдаги кексалар учун кони фойда бўлган асал ҳақида Абу Али Ибн Сино ҳам қимматли фикрларини билдирган.

Асал қидирган харидорлар энг аввало, маҳсулотнинг сифатига эътибор қаратишади. Ҳаётини шу соҳага бахшида этган тажрибали асалчи Зайниддин Убашовнинг

маҳсулоти кўп йиллар давомида синалиб, харидоргир маҳсулотга айланганини таъкидлаш жоиз.

Р. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тақдимотдан лавҳа; доимий мижоз Муриддин Турсунметов.

Муаллиф суратга олган.

»» Янги Қозоғистонда эл азиз, инсон азиз

ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЙИЛ ОДАМИ УНВОНИ СОҶИБАСИ

Эски Иқон қишлоқ ҳокимлиги бош мутахассиси Умсин Абдуғаффор қизи Муслимовани юксак унвон билан муборакбод этамиз.

ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тоқаевнинг жорий йил сентябрь ойидаги Қозоғистон халқига Мактубида белгиланган залворли вазифаларни тарғиб қилиш, амалга оширишдаги фаол иштироки каби мақсадларни ният тутган, пойтахтимиз Астанада ўтган "Янги Қозоғистоннинг йил одами" танловининг ғолиби, Туркистон вилояти ҚХА бўлими қошидаги Саврон

туман оналар кенгаши аъзоси, Эски Иқон қишлоқ округи оналар кенгаши раисаси Умсин Муслимовани тахририят ҳамда кадрдон жамоаси – Дилшод Саидов раҳбарлик қилаётган Эски Иқон қишлоқ ҳокимлиги номидан самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, янги зафарлар тилаб қоламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.



»» Заковатли миллат

ИННОВАЦИЯЛАР ДЕБОЧАСИ

Қорамурт қишлоғидаги 1-сонли мактаб-гимназияда математика, информатика, физика ўқитувчилари ёш авлодга таълим-тарбия беришда инновациявий ёндошув орқали самарали натижаларга эришмоқдалар.

Тажрибали математика ўқитувчилари – Гулбахор Қудратова, Алишер Ҳошимов, Бахтиёр Илҳомжонов, физика ўқитувчилари – Муҳаббат Пўлатова, информатика ўқитувчилари – Бунёд Ҳайитқулов, Феруза Турғунова, Темур Эшматов ҳафталик доирасида юқори синфларда очiq дарслар, тренинглар ҳамда беллашувлар ташкил этишди. Таъкидлаш жоизки, 7-ва 10-синф ўқувчилари давлат тилида таълим олишмоқда.

Ф. Турғуновнинг «Тизимдаги маълумотларни графика усулида тақдим этиш», Т. Эшматовнинг «Тармоқдаги хавфсизлик», Б. Ҳайитқуловнинг «Роботлар жанги», Г. Қудратовнинг



«Халқаро тажрибалар» тренинглари, Б. Илҳомжоновнинг «Ҳодисанинг эҳтимолиги», М. Пўлатованинг «Тортишчи ҳодисаси. Оғирлик кучи» мавзуидаги машғулоти эътибор қозонди.

Шунингдек, фанларга оид қизиқарли ва мантқий савол-

жавоблар ўқувчиларда улкан таассурот қолдирди. Фаол иштирок этган барча ўқувчиларга бирлашма аъзолари томонидан совғалар ва фахрий ёрликлар топширилди.

Ҳафталик якунида мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Улуғбек

Нигматжонов устозларга миннатдорчилик билдирди.

Марҳабо ҲОЖИЕВА,
1-сонли мактаб-гимназия
кутубхоначиси,
Сайрам тумани.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

ЙҶЛЛАР ҚОРДАН ТОЗАЛАНМОҚДА

Туркистон минтақасида вилоят аҳамиятига молик автомобиль йўллари тун бўйи қордан тозалаш, музлашнинг олдини олиш ишлари тизимли юритилмоқда.

Хусусан, декабрь ойининг иккинчи ярмида минтақада инерт материаллар, шу жумладан, қум – 252 м³ ва 46 тонна туз сепилиб, қорни тозалаш ишлари 65та маҳсус техника сафарбар этилди.

Шунингдек, 171 ишчи ҳайдовчиларнинг ноқулай об-ҳавода тўсиқсиз ҳаракатланиши учун хизмат кўрсатишмоқда.

Уша кунлари «Оңтўстик жолдары» муассасасининг ходимлари қорнинг қалин ёққани туфайли тоғли ҳудудларда бир неча автомашинани қор остида олиб чиқишган ва кўчаларда узлуксиз навбатчилик уюштирилган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазжон БҶРНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Сағрон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт – Хуршид ҚҶҶОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҶМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт
ҳақида далилларни тақдимлаш учун муаллиф-
лар, рекламани эълон берувчилар масъулдир.
«Фойдаланилмаган мақолаларга эътибор
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга оlinиб,
KZ34VRY00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR-online" МБЕ Ўзбекистонда чоғ этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бир нуска
3181.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 11000 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА, Мухтабар УСМОНОВА.

"Жанубий Қозоғистон"
мухири.